

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ  
ИШЛАРНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ПРОЦЕССУАЛ  
ҲУЖЖАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2015

**Т а қ р и з ч и л а р :**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош  
бошқармаси бўлим бошлиғи подполковник **С. Қ. Валиев;**  
юридик фанлар номзоди, доцент **И. А. Соттиев**

**Исмоилов Н.Т.**

**И–87 Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича процессуал ҳужжатлардан намуналар: Ўқув-амалий қўлланма / Н. Т. Исмоилов, С. М. Селиманова, Д. Д. Бабаев, С. С. Рустамов, Х. Х. Бахрамов, А. А. Худойбердиев – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, – 2015. – 103 б.**

Қўлланмада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича процессуал ҳужжатлардан намуналар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ёритилган, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш амалиётида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар (ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўрикдан ўтказиш, ҳужжатларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш), шунингдек ҳуқуқбузарлик ишларини юритишда тузиладиган ҳужжатларнинг намуналари берилган.

Юридик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тингловчи-курсантлари ҳамда ички ишлар органларининг амалиёт ходимларига, қолаверса ушбу соҳага қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)1я73**

## МАЪМУРИЙ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ДОИР УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қўлланиладиган процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби асосан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда – МЖТК)нинг 269–348-моддаларида ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу Кодекс асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам айрим процессуал ҳужжатларнинг намуналари берилган.

Амалдаги МЖТКга биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилиши лозим:

ҳар бир маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал этиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича чиқарилган қарорларни ижро этиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритишда ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;

қонунчиликни мустаҳкамлаш.

*Ҳар бир маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш* барча ҳолатларни батафсил ўрганишни тақозо этади. Бундай ҳолатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлаш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда шахснинг айбдорлик даражасини аниқлаш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жавобгарликни юзага келтиришини аниқлаш;

– маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқлаш;

– ҳуқуқбузар тўғрисидаги, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотларни аниқлаш;

– ишни тўхтатишга олиб келиш ҳолатлари мавжудлигини аниқлаш ва бошқалар.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг асосий принциплари қуйидагилар:*

қонунийликни таъминлаш;  
шахс ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;  
объектив ҳақиқатни аниқлаш;  
ҳимоя қилиш ҳуқуқи;  
миллий тил;  
томонлар тортишуви;  
айбсизлик презумпцияси;  
фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;  
иш юритишда ошкоралик;

жамоатчиликнинг кенг иштироки кабилардан иборат бўлиб, ушбу принциплар иш юритишнинг ҳамма босқичларида қўлланилади.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашда ички ишлар органлари ходимлари қуйидагиларга риоя этишлари шарт:*

– ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, содир бўлиш ҳолатларини ҳар томонлама ва синчковлик билан ўрганиш;

– маъмурий жазо чорасини қўллаш асосларини аниқ белгилаш;

– фақат қонунда белгиланган ва ички ишлар органлари ваколати доирасидаги маъмурий жазони қўллаш;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш ва маъмурий жазо чораларини қонунда белгиланган тартибда қўллаш;

– маъмурий жазо қўллаш чоғида ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш;

– қонунда белгиланган ҳолатларда ҳуқуқбузарга нисбатан юритилган ишни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига ёки меҳнат жамоаларига юбориш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва маъмурий жазо қўллашда ўз хизмат ваколатидан четга чиқиш ёки ҳуқуқтартиботга тажовуз қилган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган ваколати доирасида чора кўрмаслик қонунийликни қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

Маъмурий процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддалари, қисмлари ва бандларида белгиланган асослар ҳамда талабларни ҳисобга олиш лозим.

Маъмурий процессуал ҳужжатларни тузишда дастлаб, ҳолат тафсилотлари ва ҳуқуқбузар шахс кўрсатмаларидан келиб чиқиб, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик фактидан фойдаланилади.

## **1. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик фактини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминловчи чоралар қўлланилишини маъмурий-процессуал расмийлаштириш**

1.1. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик фактини тегишли ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғига *билдирги* орқали маълум қилиш учун унинг матнини тайёрлаш.

1.2. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузиш (*ЎзР МЖтКнинг 286–288-мм. талаблари асосида*).

1.3. Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузиш (*ЎзР МЖтКнинг 289-м. талаблари асосида*).

1.4. Ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида баённома тузиш (*ЎзР МЖтКнинг 290-м. талаблари асосида*).

1.5. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш тўғрисида далолатнома тузиш (*ЎзР МЖтКнинг 291-м. талаблари асосида*).

## **2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини таъминлашга доир маъмурий-процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш**

2.1. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириш хати (*ЎзР МЖтКнинг 276, 294-мм. талаблари асосида*).

2.2. Жабрланувчининг ариза ва тушунтириш хати (*ЎзР МЖтКнинг 276, 295-мм. талаблари асосида*).

2.3. Гувоҳларнинг тушунтириш хатлари (*ЎзР МЖтКнинг 276, 298-мм. талаблари асосида*).

2.4. Касаллик варақасини олиш тўғрисидаги қарор (*ЎзР ЖПКнинг 157, 159-мм. талаблари асосида*).

2.5. Суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (*ЎзР ЖПКнинг 172, 173, 180-мм. талаблари асосида*).

2.6. Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси (*ЎзР МЖтКнинг 276, 299<sup>1</sup>-мм. талаблари асосида*).

### **3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш**

3.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш (*ЎзР МЖтКнинг 280, 281-мм. ва ЎзР ИИВнинг 2001 йил 28 декабрдаги 328-сонли буйруғининг 2-илоvasи талаблари асосида*).

3.2. Йўл ҳаракати қоидаси бузилганлиги ҳақидаги баённомани тузиш (*ЎзР МЖтКнинг 280, 281-мм. ва ЎзР ИИВнинг 2011 йил 31 майдаги 68-сонли буйруғи талаблари асосида*).

3.3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 282-моддасига биноан ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган тегишли орган (мансабдор шахс)га юбориш учун кузатув хатини тайёрлаш.

3.4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда МЖТКнинг 21-моддасига асосан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки МЖТКнинг 33-моддасига кўра унинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келинса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақида МЖТКнинг 308<sup>1</sup>-моддасида белгиланган тартибда тақдимнома тайёрлаш.

3.5. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни тайёрлаш (*ЎзР МЖтКнинг 309, 310-мм. талаблари асосида*).

3.6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақидаги қарорни тайёрлаш (*ЎзР МЖтКнинг 310-м. талаблари асосида*).

### **4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга тааллуқли бўлган бошқа маъмурий-процессуал ҳужжатларни тайёрлаш**

4.1. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг судланганлиги, маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигини (*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралда қабул қилган “Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 39-сонли қарори талаблари асосида*) аниқлаш мақсадида ИИВ Ахборот марказидан, ички ишлар

органлари ҳисобидан текшириш учун талабнома ва маълумотномани тайёрлаш.

4.2. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсининг яшаш ёки иш жойидан маълумотнома ва тавсифнома матнини тайёрлаш (*ЎзР МЖтКнинг 303-м. 2, 4-бандлари талаблари асосида*).

4.3. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсининг руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида руҳий касалликлар шифохонаси ва наркологик диспансерларга сўровнома ҳамда уларнинг маълумотномаларини тайёрлаш (*ЎзР МЖтКнинг 303-м. 2, 4-бандлари, 307-м. талаблари асосида*).

4.4. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсни доимий аниқ яшаш манзилини аниқлаш учун манзил маълумотлар бюросига сўровномани тайёрлаш (*ЎзР МЖтКнинг 303-м. 2, 4-бандлари талаблари асосида*).

4.5. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ҳуқуқбузарнинг иш ёки ўқиш жойдаги маъмурият эътиборига етказиш учун маълумотнома тайёрлаш (*ЎзР МЖтКнинг 312-м. талаблари асосида*).

4.6. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш (*ЎзР МЖтКнинг 313-м. талаблари асосида*).

4.7. Ҳуқуқбузарнинг жарима тўлаганлиги ҳақида жарима квитанциясини тўлдириш (*ЎзР МЖтКнинг 283-м. 2-қисми, 334-м. 1-қисми талаблари асосида*).

4.8. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва уни содир этган шахсни ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш.

4.9. Маъмурий жазоланган шахсларни ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш (*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралда қабул қилган “Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 39-сонли қарори талаблари асосида*).

4.10. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар йиғмажилдининг рўйхатини тайёрлаш.

## **5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни амалга оширишда зарурий иловалар**

5.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритувида қатнашувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда белгиланган муддатлар.

5.3. Экспертиза муассасалари ва ўтказиладиган экспертиза турларига оид маълумотлар.

5.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралда қабул қилган “Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 39-сонли қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни (протоколни) кўриб чиқишга (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколни тузишга, иш кўзга) ваколатли органлар классификатори



**1.1. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик фактини тегишли ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғига билдирги орқали маълум қилиш учун унинг матнини тайёрлаш**

*Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи,  
подполковник*

**Қ. Н. Ражабовга**

***Б и л д и р г и***

*Сизга шуни маълум қиламанки, бугун – 2015 йил 6 март куни соат тахминан 20<sup>10</sup> ларда мен хизмат олиб бораётган маъмурий ҳудуддаги Гулсара кўчасида жойлашган 48-сонли озиқ-овқат дўкони ёнида спиртли ичимлик («Ўзбекистон» арази) истеъмол қилиб турган Қорасув даҳаси, 1-мавзе, 15-уй, 25-хонадонда истиқомат қилувчи, 1971 йилда тугилган фуқаро Эргашев Шариф Расулович ушланди ва милиция таянч пунктига олиб келинди.*

*Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 187-моддаси 1-қисми асосида тегишли маъмурий процессуал ҳужжатлар тузилди ва 11840 сўм миқдорида жарима солинди.*

М.Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
катта лейтенант

(имзо)

**Ф. У. Хидиров**

*2015 йил 6 март*

**1.2. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома <sup>1</sup>  
(навбатчилик қисмида) (ЎЗР МЖтКнинг 286-288-мм.  
талаблари асосида)**

№ \_\_\_\_\_ баённоманинг қирқма қисми 20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ кунидан  
Қабул қилдим 20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ кунни  
(ҳодимнинг лавозими, унвони, Ф.И.Ш., имзоси)

**Баённома № \_\_\_\_\_**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида

20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ соат “ \_\_\_\_ ” да \_\_\_\_\_  
баённома тузилган жой

\_\_\_\_\_ ТИИБ \_\_\_\_\_  
(органининг номи) (баённома тузувчининг лавозими, унвони, фамилияси,  
исми, отасининг исми)

Ушбу маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомани шу ҳақда  
туздимки, 20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ кунни соат “ \_\_\_\_ ” да ўз ҳаракатлари  
билан ЎЗР МЖтКнинг \_\_\_\_\_ моддасини бузганлиги  
учун \_\_\_\_\_ ТИИБга \_\_\_\_\_ фуқаро  
(органининг номи) \_\_\_\_\_ донимий яшаш жойи;

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган йили, оғи, кунни;

\_\_\_\_\_ шахсини тасдиқловчи ҳужжати, унинг серияси, тартиб рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

\_\_\_\_\_ олиб келинди.

Маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг мақсади: \_\_\_\_\_  
(ҳуқуқбузарликни чеклаш,

\_\_\_\_\_ маъмурий баённома тузиш, ишни кўриб чиқиш, шахсини аниқлаш ва ҳоказо

\_\_\_\_\_ ЎЗР МЖтКнинг талабларига биноан)

Маъмурий йўл билан ушлаб туриладиган шахслар сақланадиган хонада  
ушланган фуқаро \_\_\_\_\_ ни қуйидаги холислар:  
(Ф.И.Ш.)

1. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш., турар жойи, имзо)

2. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш., турар жойи, имзо)

иштирокида шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларини кўздан кечириш  
ҳаракати ўтказилди.

Маъмурий йўл билан ушланган шахсдан холислар иштирокида  
аниқланган ва вақтинча сақлаш учун олинган ашёлар \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (ашёлар, қимматбаҳо буюмлар, уларнинг индивидуал хусусиятлари,

\_\_\_\_\_ зарур ҳолларда эса буюмларнинг олинган жойи ва ҳолати)

<sup>1</sup> ИИОларининг навбатчилик қисмларида амалга оширилганда ушбу шаклда тузилади.

Орқа томони

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг эғнида қуйидаги кийим-бош мавжуд: \_\_\_\_\_

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг бадани кўздан кечирилганда қуйидагилар аниқланди: \_\_\_\_\_

(жароҳатнинг белгилари;

тиббий ёрдам чақирилганми, вақти, чақирувнинг тартиб рақами)

Маъмурий йўл билан ушланган \_\_\_\_\_, унинг

(Ф.И.Ш.)

ушлаб турилган жой ҳақида \_\_\_\_\_

(қариндош-уруғларига, иш ёки ўқиш жойига, адвокатга)

\_\_\_\_\_ га хабар берилишини илтимос қилди.

Ушлаб туриш ва шахсий тинтувда билдирилган эътироз ва шикоятлар: \_\_\_\_\_

(қандай ва қанақалиги кўрсатилсин)

Шахсни кўриқдан ўтказган ходимнинг имзоси \_\_\_\_\_

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг имзоси \_\_\_\_\_

Холисларнинг имзоси \_\_\_\_\_

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг ушлаб турилган жойи ҳақида соат “\_\_\_\_\_” да

(айнан кимга, шахсан ёки

\_\_\_\_\_ га хабар берилди.

телефон орқали, кун, ой, йил)

Вояга етмаган ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушланганлиги ҳақида соат “\_\_\_\_\_” да

(кун, ой, йил,

\_\_\_\_\_ унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, айнан кимга, шахсан ёки

\_\_\_\_\_ га хабар берилди.

телефон орқали)

Тезкор навбатчининг имзоси \_\_\_\_\_

Фуқаро \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ й. “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат “\_\_\_\_\_” да

(Ф.И.Ш.)

маъмурий йўл билан ушлаб туришдан озод қилинди.

Озод қилиниш сабаби \_\_\_\_\_

Вақтинча сақлаш учун олинган ашёлар, яъни \_\_\_\_\_

(айнан нималар қайтарилганлиги

\_\_\_\_\_ кўрсатилсин)

Даъвом йўқ \_\_\_\_\_ ёки бор \_\_\_\_\_

(қандай)

Озод қилинувчининг имзоси \_\_\_\_\_

Менга маъмурий йўл билан ушланганлигим, шахсий кўриқдан ўтказилганлигим, ашёларимни ва ҳужжатларимни вақтинча сақлаш учун олиб қўйилганлиги тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида юқори турувчи органга ва прокурорга шикоят қилишим мумкинлигини тушунтирилди.

Озод қилинувчининг имзоси \_\_\_\_\_

Тезкор навбатчининг имзоси \_\_\_\_\_

№ \_\_\_\_\_ баённоманинг қирқма қисми 200 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ кунидан  
Қабул қилдим « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ й. кунин (ҳодимнинг лавозими, унвони, Ф.И.Ш., имзоси)

## Баённома № 011

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида

2015 йил “22” март, соат “18<sup>00</sup>” да

Тошкент ш

баённома тузилган жой

М.Улўзбек  
(органининг номи)

ТИББ

тезкор навбатчиси, капитан Ш. Мирзаев  
(баённома тузувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ушбу маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомани шу ҳақда туздимки, яъни 2015 йил “22” март кунин соат “18<sup>00</sup>” да ўз ҳаракатлари билан ЎЗР МЖТКнинг 195-моддасини бузганлиги учун М.Улўзбек ТИББга фуқаро Солиев А.А.  
(фамилияси, исми, отасининг исми;

10.10.1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, М.Улўзбек тумани

туғилган йили, ойи, кунин;

Қорасув-6 даҳаси, 19-уй, 52- хонадонда яшайди, М.Улўзбек тумани ИИБ

доимий яшаш жойи; шахсини тасдиқловчи ҳужжати,

томонидан 1995 йил 15 апрелда берилган СС-521785 рақамли паспорти

унинг серияси, тартиб рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг мақсади: маъмурий баённома

(ҳуқуқбузарликни чеклаш,

тузиш ва шн кўриб чиқиш учун

маъмурий баённома тузиш, ишни кўриб чиқиш, шахсини аниқлаш

ва ҳоказо ЎЗР МЖТКнинг талабларига биноан)

Маъмурий йўл билан ушлаб туриладиган шахслар сақланадиганлар хонасида ушланган фуқаро А.А.Солиевга нисбатан қуйидаги холислар:

1. Алиев А.Т. – 1968 йилда туғилган, Тошкент шаҳар, М.Улўзбек тумани,

(Ф.И.Ш., турар жойи, имзо)

Иркутск кўчаси, 6-уйда яшовчи (имзо)

2. Ибрагимов Ю.Т. – 1955 йилда туғилган, Тошкент шаҳар, М. Улўзбек

(Ф.И.Ш., турар жойи, имзо)

тумани, Қорасув-6 даҳа, 5-уй, 15-хонадонда яшовчи (имзо)

иштирокида шахсини кўриқдан ўтказиш ва ашларини кўздан кечириш ўтказилди.

Маъмурий йўл билан ушланган шахсда холислар иштирокида аниқланган ва вақтинча сақлаш учун ундан олинган ашлар \_\_\_\_\_

1) Солиев А.А. номига берилган паспорт; 2) 12000 (ўн икки минг) сўм пул

(ашлар, қимматбаҳо буюмлар, уларнинг индивидуал хусусиятлари,

(2 та беш минг сўмлик ва 2 та минг сўмлик купюра)

зарур ҳолларда эса буюмларнинг олинган жойи ва ҳолати)

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг эғнида қуйидаги кийим-бош мавжуд: Эғнида кўк кўйлак ва қора шим, оёғида қора чармли туфли

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг бадани кўздан кечирилганда қуйидагилар аниқланди: баданида ҳеч қандай жароҳат излари аниқланмади  
(жароҳатнинг белгилари;

тиббий ёрдам чақирилганми, вақти, чақирувнинг тартиб рақами

Маъмурий йўл билан ушланган Солиев А.А унинг ушлаб  
(Ф.И.Ш.)

турилганлиги ҳақида турмуш ўртоғи Солиева Ҳилола Бегматовна  
(қариндош-уруғларига, иш ёки ўқиш жойига, адвокатга)

га хабар берилишини илтимос қилди.

Ушлаб туриш ва шахсий тинтувда билдирилган эътироз ва шикоятлар: ҳеч қандай эътироз ва шикоятлар билдирилмади.  
(қандай ва қанақанглиги кўрсатилсин)

Шахсни кўриқдан ўтказган ходимнинг имзоси (имзо) Қурбонов Т.С.

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг имзоси (имзо) Солиев А.А.

Холисларнинг имзоси 1. (имзо) Алиев А.; 2. (имзо) Ибрагимов Ю.Т.

Маъмурий йўл билан ушланган шахснинг ушлаб турилган жойи ҳақида соат «18<sup>00</sup>»да турмуш ўртоғи Солиева Ҳилола Бегматовнага  
(айнан кимга, шахсан ёки

телефон орқали га хабар берилди.  
(телефон орқали, кун, ой, йил)

Вояга етмаган ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушланганлиги ҳақида соат “\_\_” да

(кун, ой, йил,

унинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар, айнан кимга, шахсан ёки

га хабар берилди.

телефон орқали)

Тезкор навбатчининг имзоси (имзо) Т.С.Қурбонов

Фуқаро Солиев А.А. ни «23» март 2015 й. куни соат «15<sup>00</sup>» да маъмурий йўл билан ушлаб туришдан озод қилинди.

Озод қилиниш сабаби ишни кўриб чиқилиши ва ЎзР МЖТКнинг 183-моддасига асосан жарима солиниши муносабати билан

Вақтинча сақлаш учун олинган ашёлар, яъни 1) А.А.Солиев номига берилган  
(айнан нималар қайтарилганлиги

паспорт; 2) 12000 (ўн икки минг) сўм пул.

кўрсатилсин)

Даъвом йўқ ёки бор \_\_\_\_\_  
(қандай)

Озод қилинувчининг имзоси (имзо) Солиев А.А

Менга маъмурий йўл билан ушланганлигим, шахсий кўриқдан ўтказилганлигим, ашёларимни ва ҳужжатларимни вақтинча сақлаш учун олиб қўйилганлиги тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида юқори турувчи органга ва прокурорга шикоят қилишим мумкинлигини тушунтирди.

Озод қилинувчининг имзоси (имзо) А.А.Солиев

Тезкор навбатчининг имзоси (имзо) Т.С.Қурбонов

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида<sup>1</sup>  
БАЁННОМА № \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_  
(кун, ой) (худуд номи)

\_\_\_\_\_ (баённома тузган шахснинг лавозими, Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_ (ушлаб туриш вақти ва жойи)

\_\_\_\_\_ ушлаб турилди.

Шахс ушлаб турилган жой ҳақида унинг \_\_\_\_\_ га  
(қариндоши, адвокат, иш ёки ўқиш жойи маъмурияти)

\_\_\_\_\_ телефон орқали хабар берилди<sup>2</sup>.

Ушлаб туриш бошланган вақт: 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ дақиқа \_\_\_\_\_  
(кун, ой)

\_\_\_\_\_ (қўшимча маълумотлар)

Ушлаб турилган шахсга Ўзбекистон Республикаси МЖТК 286-моддаси талаблари тушунтирилди.

Баённомага қўшимча ва иловалар:

\_\_\_\_\_ (кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш натижалари,

\_\_\_\_\_ олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар)

\_\_\_\_\_ (ушлаб турилган шахснинг Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (холис, гувоҳларнинг Ф.И.Ш)<sup>3</sup>

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (баённома тузувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.)

<sup>1</sup> Вояга етмаган шахс ушлаб турилган тақдирда бу ҳақда унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахсларга албатта хабар қилиниши шарт.

<sup>2</sup> Ушлаб турилган шахснинг илтимосига асосан хабар берилганда.

<sup>3</sup> Гувоҳлар шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш ҳамда ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйишда иштирок этганда.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахснинг лавозими, Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

20\_\_ йил \_\_\_\_\_

(кун, ой)

«РУХСАТ БЕРИЛСИН»

\_\_\_\_\_ (тегишли прокурорнинг Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

20\_\_ йил \_\_\_\_\_

(кун, ой)

Шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида  
**Қ А Р О Р**

20\_\_ йил \_\_\_\_\_

(кун, ой)

\_\_\_\_\_ (ҳудуд)

Мен, \_\_\_\_\_

(ваколатли орган номидан иш юритаётган шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикасининг МЖтК \_\_\_\_-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган шахс \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш., яшаи жойи)

1. Туғилган йил, ойи ва куни \_\_\_\_\_

2. Маълумоти \_\_\_\_\_

3. Оилавий аҳволи \_\_\_\_\_

4. Иш жойи, лавозими \_\_\_\_\_

5. Муқаддам маъмурий жазога тортилганлиги \_\_\_\_\_

6. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат \_\_\_\_\_

7. Ушланган вақт: 20\_\_ йил \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_\_

(кун, ой)

8. Ушлаб туриш асослари \_\_\_\_\_

Нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб,

**АНИҚЛАДИМ:**

\_\_\_\_\_ (ини кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатлар баёни)

\_\_\_\_\_ (ушлаб туриш муддатини узайтиришга асослар)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси МЖтК 287 ва 288-моддаларига асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛДИМ:**

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг \_\_\_\_-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган шахс \_\_\_\_\_

ни \_\_\_\_\_

да ушлаб туриш муддати \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

(ушлаб туриш жойи)

20\_\_ йил \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_\_ га қадар узайтирилсин.

(кун, ой)

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_

№ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(прокуратура органига)

## Шахнинг ушлаб турилганлиги ҳақида ХАБАРНОМА

Фуқаро \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

1. Туғилган йили, оyi ва куни \_\_\_\_\_
2. Маълумоти \_\_\_\_\_
3. Оилавий аҳволи \_\_\_\_\_
4. Иш жойи, лавозими \_\_\_\_\_
5. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(номи, серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Ушлаб туриш асослари \_\_\_\_\_

Ушлаб туриш бошланган вақт: 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_  
(кун, ой)

Ушлаб турилган шахс ҳозирда \_\_\_\_\_

да

\_\_\_\_\_  
(вақтинча сақлаш жойи тўғрисида маълумотлар)

сақланмоқда.

Ушбу ҳақда Сизга МЖтКнинг 288-моддасига асосан маълум қилинмоқда.

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)



20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

№ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(вояга етмаган шахснинг ота-онаси ёки улар ўрнини  
босувчи шахсларга)

## Шахсни ушлаб турилганлиги ҳақида ХАБАРНОМА

Фуқаро \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш. ва яшаш жойи)

Ушлаб туриш асослари \_\_\_\_\_

Ушлаб туриш бошланган вақт: 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ .  
(кун, ой)

Ушлаб турилган шахс ҳозирда \_\_\_\_\_ да

(вақтинча сақлаш жойи тўғрисида маълумотлар)

сақланмоқда.

Ушбу ҳақда Сизга МЖтКнинг 286-моддасига асосан маълум қилинмоқда.

\_\_\_\_\_

(мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

<sup>1</sup> Идоранинг расмий бланкасида тайёрланади

**1.3. Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш  
БАЁННОМАСИ  
(ЎзР МЖтКнинг 289-моддаси талаблари асосида)**

2014 йил 5 сентябрь

соат 16<sup>30</sup>

Тошкент ш.

Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ИИБ тезкор навбатчиси, катта лейтенант Равшанов Одилжон Темирович ва холислар:

1. Каримов Алижон Набиевич (яшаш жойи – Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 27-уй).

2. Латипов Набижон Валиевичлар (яшаш жойи – Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Қорасув 1-дахаси, 23-уй, 34-хонадон) иштирокида Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ИИБга 2014 йил 5 сентябрда келтирилган, психотроп моддаларни харид қилган, М.Улуғбек тумани Қорасув 6-дахаси, 15-уй, 44-хонадонда яшовчи Ғофуров Рустам Тўйчиевич шахсий кўриқдан ўтказилганда, чўнтақларидан қуйидагилар топилди:

1) Р.Т. Ғофуров номига берилган СС серияли, 0015468 рақамли паспорт;  
2) 2000 (икки минг) сўм пул (2 та минг сўмлик купюра); 3) қора ён дафтарча;  
4) беш донадан жойланган 5 бўлак «димедрол» таблеткалари.

Р. Т. Ғофуров бу таблеткаларни ўзи истеъмол қилиш учун 5 сентябрь куни соат 15<sup>00</sup> да М.Улуғбек тумани Қорасув 2-дахасидаги деҳқон бозорида нотаниш шахсдан 500 (беш юз) сўмга сотиб олганлигини айтди.

Р. Т. Ғофуровдан олинган 25 дона «димедрол» таблеткалари мусодара қилиниб, ундан олинган ҳужжати ва ашёлари қайтариб берилди.

Кўриқдан ўтказилган ва ашёлари кўздан кечирилган шахс (лар)га Ўзбекистон Республикасининг МЖтК 289, 290 ва 293-моддалари, холис, гувоҳларга МЖтК 293, 298 ва 301-моддалари талаблари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди. Ҳуқуқбузардан шикоят ёки ариза тушмади. Баённома иштирокчилар ўртасида ўқиб эшиттирилди, ёзилганларнинг барчаси тўғри.

Шахсий кўриқдан ўтказилган: (имзо)

Холислар: 1. (имзо)

2. (имзо)

**Р.Т. Ғофуров**

**А.Н. Каримов**

**Н.В. Латипов**

Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани

ИИБ тезкор навбатчиси, катта

лейтенант

(имзо)

**О.Т. Равшанов**

**1.4. Ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида**  
**БАЁННОМА**  
**(ЎЗР МЖтКнинг 290-моддаси талаблари асосида)**

2014 йил 15 сентябрь

соат 16<sup>30</sup>

Тошкент ш.

Мен, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ инспектори, сержант Х.Т. Бобоев 2014 йил 15 сентябрь куни соат тахминан 16<sup>00</sup> ларда Тошкент шаҳар «Буюк ипак йўли» кўчасида катта тезликда ҳаракатланаётган, давлат белгиси 10 С 3443 бўлган «Нексия» русумли автомашинани тўхтатиб текширганимда, автомашина ҳайдовчиси Холиқулов Ҳайдарбек Тўйчиевич ўзига тегишли бўлган транспорт воситасини маст ҳолда бошқараётганлиги ва автомашина саломида 1 (бир) дона шиша идишда очилмаган «Барон» номли Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган арақ, ярими истеъмол қилинган 1 (бир) дона ҳамда очилмаган 4 (тўрт) дона шиша идишдаги «Балтика» пивоси борлигини аниқладим. Холиқулов Ҳ.Т. ўзининг хатти-ҳаракатини автомашинасининг саломида олиб юрган ичимликлардан фақат пиво ичимлигини истеъмол қилиб транспорт воситасини бошқарганлиги билан изоҳлади. Ушбу ҳолат юзасидан мен ва холислар:

1. Алиев Жаҳонгир Абдуллаевич (яшаш жойи – Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 57-уй).

2. Қўчқоров Набижон Зуннуновичлар (яшаш жойи – Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси 34-уй) иштирокида, 2014 йил 15 сентябрь куни соат тахминан 16<sup>00</sup> ларда Тошкент шаҳар «Буюк ипак йўли» кўчасида 1968 йилда Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Қорасув 4-дахаси, 11-уй, 23-хонадонда яшовчи Холиқулов Ҳайдарбек Тўйчиевич бошқарувида бўлган, давлат белгиси 10 С 3443 «Нексия» русумли транспорт воситасини маст ҳолда ҳамда катта тезликда бошқараётганлиги ва ҳайдовчи Холиқулов Ҳ.Т. ўзининг хатти-ҳаракатини автомашинасининг саломида мавжуд ичимликлардан фақат пиво ичимлигини истеъмол қилиб транспорт воситасини бошқарганлиги сабабли унинг автомашинаси саломида аниқланган қўйидаги ашёлар:

1) 1 (бир) дона шиша идишда очилмаган «Барон» номли Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган арақ;

2) ярими истеъмол қилинган 1 (бир) дона ҳамда очилмаган 4 (тўрт) дона шиша идишдаги «Балтика» пиво ичимлиги далилий ашё сифатида ҳамда Холиқулов Ҳ.Т.га тегишли бўлган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи АГС серияли, №125636 тартиб рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси процессуал ҳужжатлаштириш мақсадида олиб қўйилди.

Ашёлар ва ҳужжатни олиб қўйиш жараёни юзасидан холислар ва ҳуқуқбузардан шикоят ёки ариза тушмади. Баённома иштирокчилар ўртасида ўқиб эшиттирилди, ёзилганларнинг барчаси тўғри.

Ҳуқуқбузар:

(имзо)

**Ҳ.Т. Холиқулов**

Холислар:

1. (имзо)

**Ж.А. Алибеков**

2. (имзо)

**Н.З. Қўчқоров**

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ

ЙПХ инспектори, сержант

(имзо)

**Х.Т.Бобоев**

**1.5. Транспорт воситасини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА**

**(ЎзР МЖтКнинг 291-м. ва ЎзР ИИБнинг 2011 йил 31 майдаги 68-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” талаблари асосида)**

2014 йил 16 сентябрь

Тошкент ш.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ алоҳида отряд сардори капитан М.Х.Бойбўтаев, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ Навбатчилик қисми навбатчиси катта лейтенант Ж.Ш.Худойқулов, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ инспектори, сержант Э.З.Чориев, жарима майдончасига жавобгар Р.Ф.Ниязов ва холислар:

1. Бўрибоев Жўрабой Абдуазимович (яшаш жойи – Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Темур кўчаси, 14-уй);

2. Жалилов Дилшод Солиевич (яшаш жойи – Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Навоий кўчаси 34-уй) иштирокида, 2014 йил 15 сентябрь соат тахминан 12<sup>00</sup> ларда Тошкент шаҳар «Буюк ипак йўли» кўчасида 1975 йилда Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, 5-даҳа, 21-уй, 23-хонадонда яшовчи Парпиев Акмал Мамажанович ўзига тегишли, давлат белгиси 30 F 0043 бўлган «BA3-2106» русумли автомашинасининг орқа ойнасини давлат стандартларида белгиланган нормаларни бузиб, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ҳолда транспорт воситасини бошқараётганлиги ҳолати юзасидан унга нисбатан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ва процессуал ҳужжатлаштириш учун Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ жарима майдончасида ушлаб туриш мақсадида олиб келинди.

Автомашинани жарима майдончасида ушлаб турилишига жавобгар бўлган Р.Ф.Ниязовга автомашинада мавжуд ашёлар қуйидаги рўйхат асосида вақтинча сақлашга топширилди:

1) Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган, қора рангдаги «КИА» русумли автомагнитофон 1 (бир) дона; 2) 5 (беш) дона аудиокассета; 3) автомашинанинг захира ғилдираги 1 (бир) дона; 4) 1 (бир) дона СТ- 65 «МАКС» русумли аккумулятор; 5) 10 (ўн) дона эҳтиёт қалитлари

Шунингдек, автомашинада олдинги ойнани тозалагич 2 (икки) та, ён кўзгулар 2 (икки) та ҳамда ёқилғи сақлаш баки мавжуд. Машина қулфланган ва қалити эгасида.

|                                       |           |                       |
|---------------------------------------|-----------|-----------------------|
| 1. ЙПХ алоҳида отряд сардори, капитан | (имзо)    | <b>М.Х.Бойбўтаев</b>  |
| 2. ЙХХБ навбатчиси, катта лейтенант   | (имзо)    | <b>Ж.Ш.Худойқулов</b> |
| 3. ЙХХБ ЙПХ инспектори, сержант       | (имзо)    | <b>Э.З.Чориев</b>     |
| Холислар:                             | 1. (имзо) | <b>А.Ж.Бўрибоев</b>   |
|                                       | 2. (имзо) | <b>Д.С.Жалилов</b>    |
| Жарима майдончасига<br>жавобгар:      | (имзо)    | <b>Р.Ф.Ниязов</b>     |

## 2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини таъминлашга доир маъмурий-процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш

### 2.1. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ТУШУНТИРИШ ХАТИ

(ЎзР МЖтКнинг 276, 294-мм. талаблари асосида)

М.Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи,  
подполковник

**Қ.Н. Ражабовга**

М.Улуғбек тумани, Б.Турсунов кўчаси, 67-уйда яшовчи, 1970 йилда Андижон вилояти Андижон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз фуқаро **Қодиров Музаффар Сулаймоновичдан**

### Т у ш у н т и р и ш х а т и

Мен, Музаффар Сулаймонович Қодиров, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 294-моддаси билан таништирилдим.

Мен, 2014 йил 5 январь куни тахминан соат 14<sup>00</sup> ларда “Қорасув” деҳқон бозори олдида шерикларим Жалилов Холмурод ҳамда Тешабоев Содиқ билан турган вақтимда менга таниш бўлган Каримова Нодира келиб қолди. Унга ҳазил қилмоқчи бўлиб туртиб юбордим. Шунда Каримова Нодира сенсираб: “Нима учун мени туртиб юбординг”, деди. Танишларим олдида мени сенсиргани учун жаҳлим чиқди, уни уятсиз сўзлар билан сўкиб, урмоқчи бўлганимда шерикларим мени у ердан олиб кетишди.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

2014 йил 05 январь

(имзо)

**М.С. Қодиров**

### Тушунтириш хатини олувчи:

М.Улуғбек тумани ИИБ  
профилактика катта  
инспектори, капитан

(имзо)

**Б.Т. Жабборов**

2014 йил 05 январь

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари  
билан танишиб чиққанлиги ҳақида  
**ТИЛХАТ**

Мен \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.) (кун, ой)

куни фуқаро (менга) \_\_\_\_\_ нисбатан Ўзбекистон Республикаси  
(Ф.И.Ш.)

МЖтКнинг \_\_\_\_ -моддаси бўйича расмийлаштирилган \_\_\_\_-сонли маъмурий  
ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатлар билан \_\_\_\_\_ да,  
(худуд номи)

\_\_\_\_\_ **ТОМОНИДАН**  
(иш материаллар билан таништирган мансабдор шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

таништирилдим.

\_\_\_\_\_  
(таништирилган шахс Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_  
№ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (хукукбузарлик содир этган шахс ва унинг манзили)

## Хабарнома

\_\_\_\_\_ биносининг  
(иш кўриб чиқиладиган идора номи ва манзили)

\_\_ хонасида 20\_\_ йилнинг “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ да Сизга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг \_\_\_\_-моддаси билан расмийлаштирилган маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги иш хужжатлари мазмунан кўриб чиқилади.

Мазкур ишни ҳар томонлама тўлиқ ва сифатли кўриб чиқиш учун кўрсатилган муддатда белгиланган манзилга етиб келишингиз ва ишни кўриб чиқишда шахсан қатнашингиз шарт.

Қатнашишдан бўйин товлаган тақдирингизда, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддаси 3-қисмида белгиланган тартибда мажбуран олиб келинишингиз мумкинлиги хусусида огоҳлантириласиз<sup>2</sup>.

Бизнинг манзил: \_\_\_\_\_

Куйидаги \_\_\_\_\_ жамоат транспортлари қатнайди.  
(жамоат транспорти тури ва рақами (белгиси))

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

<sup>1</sup> Идоранинг расмий бланкасида тайёрланади

<sup>2</sup> Мазкур банд фақатгина хукукбузарлик учун МЖТКда маъмурий қамокқа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб кўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса киритилади

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_  
№ \_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(чақирилаётган шахс ва унинг манзили)

## ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ

да

\_\_\_\_\_  
(ишни кўриб чиқаётган орган номи ва манзили)

фуқаро \_\_\_\_\_ томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ -моддасида (моддалари) назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан ишни кўриб чиқиш белгиланган.

Шу муносабат билан, Сизни 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ га \_\_\_\_\_ нинг  
(идора номи, мансабдор шахснинг лавозими, ҳарбий (махсус, даражали) унвони, Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ хизмат хонасига шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, гувоҳнома) билан келишингиз лозим.

Бизнинг манзил: \_\_\_\_\_

Қуйидаги \_\_\_\_\_ жамоат транспортлари келади.  
(жамоат транспорти тури ва рақами (белгиси))

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

-----  
кесиш чизиғи

## Чақирув қоғозига илова

(маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатиغا тикиш учун)

\_\_\_\_\_ ни 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ да  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ га чақирилганлиги тўғрисидаги чақирув қоғозини олдим.  
(давлат органининг номланиши)

\_\_\_\_\_  
(чақирув қоғозини олган шахснинг Ф.И.Ш.)

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(имзо)

<sup>1</sup> Фақат вояга етган шахсга топширилиши лозим



## ИЛТИМОСНОМА

Менга нисбатан 20\_\_\_\_ йилнинг “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ биносининг

\_\_\_\_\_  
(давлат органининг номланиши)

\_\_\_\_\_ хонасида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг \_\_\_\_\_-моддаси билан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш мазмунан кўриб чиқилиши юзасидан йўлланган хабарномани 20\_\_\_\_ йилнинг “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ да олдим.

\_\_\_\_\_  
(ишни кўриб чиқишни кечиктиришнинг асослантилган сабаблари)

сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддаси 2-қисмига асосан менга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтини 20\_\_\_\_ йилнинг “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ гача кечиктиришингизни сўрайман.

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

“\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_\_\_ йил

**2.2. Жабрланувчининг  
АРИЗА ВА ТУШУНТИРИШ ХАТИ**  
(ЎзР МЖтКнинг 276, 295-мм. талаблари асосида)

М.Улуғбек тумани ИИБ  
бошлиғи,  
подполковник

**Қ.Н.Ражабовга**

М.Улуғбек тумани, Навоий  
кўчаси, 15-уйда яшовчи фуқаро  
**Каримова Нодира Сотвол-  
диевнадан**

**А р и з а**

Менинг ариза ёзишдан мақсадим шуки, 2014 йил 5 январь куни тахминан соат 14<sup>00</sup> ларда “Қорасув” дехқон бозори олдида мени фуқаро Қодиров Музаффар кўпчилик олдида уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, урмоқчи бўлди. Шунинг учун фуқаро Қодиров Музаффарга нисбатан қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Ариза берувчи:

(имзо)

**Н.С. Каримова**

*2014 йил 05 январь*

**Аризани олувчи:**

М.Улуғбек тумани ИИБ  
профилактика катта  
инспектори, капитан

(имзо)

**Б.Т. Жабборов**

*2014 йил 05 январь*

М.Улуғбек тумани ИИБ  
бошлиғи,  
подполковник

**Қ.Н.**

**Ражабовга**

М.Улуғбек тумани, Навоий  
кўчаси, 15-уйда яшовчи,  
1970 йилда Андижон вилояти  
Андижон туманида туғилган,  
миллати ўзбек, маълумоти  
ўрта, оилали, икки нафар  
фарзанди бор, мукаддам  
судланмаган, вақтинча ишсиз  
фуқаро **Каримова Нодира  
Сотволдиевнадан**

### **Тушунтириш хати**

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2014 йил 5 январь куни тахминан соат 14<sup>00</sup> ларда “Қорасув” деҳқон бозорига савдо-сотик қилиш учун кириб кетаётганимда, ўша ерда турган танишим Қодиров Музаффар мени туртиб ўтиб кетди. Шунда мен Қодиров Музаффарга “Нима учун мени туртиб ўтдинг”, деганимда, у менга “Мен сени туртмадим” деб, уятли сўзлар билан сўкиб, урмоқчи бўлди. Қодиров Музаффар билан бирга турган танишлари Музаффарни у ердан олиб кетишди.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

(имзо)

**Н.С. Каримова**

*2014 йил 05 январь*

### **Тушунтириш хатини олувчи:**

М.Улуғбек тумани ИИБ  
профилактика катта  
инспектори, капитан

(имзо)

**Б.Т. Жабборов**

*2014 йил 05 январь*

**2.3. Гувоҳнинг  
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**  
(ЎЗР МЖТКнинг 276, 298-мм. талаблари асосида)

М.Улуғбек тумани ИИБ  
бошлиғи,  
подполковник

**Қ.Н. Ражабовга**

М.Улуғбек тумани, Б.Турсунов  
кўчаси 78-уйда яшовчи,  
1971 йилда Андижон вилояти  
Андижон туманида туғилган,  
миллати ўзбек, маълумоти ўрта,  
оилали, 1 нафар фарзанди бор,  
муқаддам судланмаган, вақтинча  
ишсиз фуқаро **Тешабоев Содик  
Каримовичдан**

**Тушунтириш хати**

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

2014 йил 5 январь куни тахминан соат 14<sup>00</sup> ларда “Қорасув” дехқон бозори олдида Қодиров Музаффар билан турганимизда бизга таниш бўлган Каримова Нодира келиб қолди. Музаффар Нодирага гап отиб, уни туртиб юборди. Шунда Нодира Музаффарни сенсираб: “Нега мени туртасан”, деди ва иккови гап таллашиб қолди. Музаффар Нодирани менинг олдимда уятли сўзлар билан сўкиб, урмоқчи бўлган вақтида мен Қодиров Музаффарни у ердан олиб кетдим.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

(имзо)

**С.К. Тешабоев**

*2014 йил 05 январь*

**Тушунтириш хатини олдим:**

М.Улуғбек тумани ИИБ  
профилактика катта  
инспектори, капитан

(имзо)

**Б.Т. Жабборов**

*2014 йил 05 январь*

**2.4. Касаллик варақасини олиш тўғрисидаги қарор**  
(ЎзР ЖПКнинг 157, 159-мм. талаблари асосида)

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ  
Сизга шуни маълум қиламизки, Миллий университетнинг Психология кафедраси ўқитувчиси Валиев Ғанижон Алиевич 2014 йил 17 июль куни соат тахминан 15<sup>30</sup> ларда жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилгани, маст ҳолатда уятли сўзлар билан сўқиниб, майда безорилик содир этганлиги учун тегишли чора кўрилди.

Мазкур қарор нусхаси, МЖтКнинг 312-моддасига асосан, Сизнинг эътиборингизга етказилмоқда.

Ушбу ҳолатни жамоада муҳокама қилиб, Ғ.А.Валиевнинг ахлоқини кўриб чиқишингизни сўраймиз.

Илова: \_\_\_\_ варақда.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ  
бошлиғи, подполковник

(имзо)  
(муҳр)

**Қ.Н. Ражабов**

2014 йил 20 июль

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ”  
№ \_\_\_\_\_

(қарор нусхаси юборилаётган ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг  
иш ёки ўқиш жойи)

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор  
нусхасини юбориш ҳақида**

\_\_\_\_\_ ТОМОНИДАН  
(қарор чиқарган орган)

Сиз раҳбарлик қилаётган идорада ишлайдиган (ўқийдиган) \_\_\_\_\_  
(ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг Ф.И.Ш.)

га нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг \_\_\_\_-моддасида назарда  
тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан тўпланган иш ҳужжатлари  
20 \_\_\_\_ йилнинг “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ кўриб чиқилди ва унга нисбатан  
\_\_\_\_\_ жазо тайинланди.  
(тайинланган жазо тури)

Мазкур қарор нусхаси, МЖТКнинг 312-моддасига асосан, Сизнинг  
эътиборингизга етказилмоқда.

Илова: \_\_\_\_ varaқда.

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Бундай ҳужжат идоранинг расмий бланкасида тайёрланади ҳамда ушбу хат Ўзбекистон Республикаси  
МЖТКнинг 61, 131, 140, 183, 187, 233, 237-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича қарор  
чиқарилганда юборилади<sup>1</sup>

-----ажратувчи чизиқ-----

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ”  
№ \_\_\_\_\_

(маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баеннома тузиб, куриб чиқиш  
учун юборган давлат органи (мансабдор шахс))

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор  
нусхасини юбориш ҳақида**

Фуқаро \_\_\_\_\_ га нисбатан Ўзбекистон Республикаси  
(ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг Ф.И.Ш.)

МЖТКнинг \_\_\_\_-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир  
этганлиги юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар \_\_\_\_\_  
(кўриб чиққан орган)

томонидан 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ куни кўриб чиқилди ва унга нисбатан  
\_\_\_\_\_ жазо қўлланилди.

Мазкур қарор нусхаси, МЖТКнинг 312-моддасига асосан, Сизнинг  
эътиборингизга етказилмоқда.

Илова: \_\_\_\_ varaқда.

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

<sup>1</sup> Мазкур ҳужжат идоранинг расмий бланкасида тайёрланади.

**4.6. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш**

*(ЎзР МЖтКнинг 313-моддаси талаблари асосида)*

**Тошкент шаҳар Ёғ-мой  
АЖ директори  
М.М. Юсуповга**

**ТАҚДИМНОМА**

**(Корхона мулкни талон-торож қилинишига сабаб бўлувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида)**

2014 йил 25 август куни тахминан тунги соат 00<sup>30</sup> ларда Яшнобод тумани ИИБ ходимлари таркибида тузилган «Тунги наряд» томонидан кўшма корхона ҳудуди текширилганда мулкни талон-торож қилишнинг қуйидаги ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, тахминан 01<sup>00</sup> ларда корхона девор-тўсиқларидан ошиб ўтиб кўлида 20 (йигирма) кг.дан ортиқ миқдордаги пахта ёғни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида олиб чиқаётган шахс ушланди ва унинг корхонада ишчи бўлиб ишловчи, 1978 йилда туғилган фуқаро Шамсиев Ортиқжон Назирович эканлигини маълум бўлди. Худди шундай талон-торожлик хатти-ҳаракатини такрорлаган, шу корхона ишчиси, 1968 йил туғилган фуқаро Абдиев Мансур Жамолович 25 кг.дан ортиқ ёғни девордан ўтиш учун махсус тайёрлаб қуйилган жойдан олиб чиқиб кетаётганда ушланди. Ушбу шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чора кўриш учун ҳужжатлар туман жиноий ишлар бўйича судига юборилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 7, 269-моддаларига асосланиб,

**ТАКЛИФ КИРИТАМАН:**

1. Кўшма корхона ҳудудини ўраб турувчи девор тўсиқлар орқали талон-торожлик қилинишига олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ва ушбу тўсиқларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш.

2. Кўшма корхона ишчилари ўртасида корхона мулкни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларида тушунтириш ишларини олиб бориш.

3. Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан айбдор шахслар (Шамсиев О.Н., Абдиев М.Ж.)ни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи кўрилиш ва корхона жамоаси ўртасида муҳокама қилиш.

Ушбу киритилган таклифлар юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар бўйича Ҳамза тумани ички ишлар бошқармасига бир ой муддат ичида ёзма равишда маълум қилишингизни сўрайман.

Яшнобод тумани ИИБ бошлиғи,  
полковник  
2014 йил 30 август.

(имзо)  
(муҳр)

**М.Х. Ҳақимов**

**4.7. Ҳуқуқбузарнинг жарима тўлаганлиги ҳақида жарима қвитанцияси**  
**(ЎзР МЖтКнинг 283-м. 2-қисми, 334-м. 1-қисми талаблари асосида)**

| <p><u>10.01. 2014 йил.</u><br/>(сана)</p> <p>ОНБ 3628/0337-118</p> <p><u>Йўлчиева Н.А.</u><br/>(қабул қилувчининг Ф.И.Ш.)</p> | <p align="center"><u>Тошкент шаҳар</u></p> <hr/> <p align="center"><u>Юнусобод тумани ИИБ</u></p> <p align="center"><small>(тўловни олувчи муассасанинг номи)</small></p> <p><b>Банк муассасаси</b> <u>Халқ банки</u></p> <p><b>Тўловни олувчининг х/р</b> <u>000025487925442</u></p> <p><b>БММ рақами</b> <u>00457832</u></p> <p><u>Қодиров Музаффар Сулаймонович</u></p> <p align="center"><small>( фамилияси, исми, отасининг исми)</small></p> <p><u>Андижон вилояти Андижон тумани</u></p> <p align="center"><small>(Яшаш манзили)</small></p> |                            |                           |                            |             |                    |        |  |  |                      |                 |                |               |             |  |                 |
|---|---|----------------------------|---------------------------|----------------------------|-------------|--------------------|--------|--|--|----------------------|-----------------|----------------|---------------|-------------|--|-----------------|
| <p><i>ПАТТА</i><br/><i>Хазиначи</i></p>   | <table border="0"> <thead> <tr> <th><i>тўлов тури</i></th> <th><i>ўтган йил қарзлари</i></th> <th><i>жорий йил тўловлари</i></th> <th><i>сана</i></th> <th><i>пул миқдори</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>жарима</td> <td></td> <td></td> <td><u>10.01.2014 й.</u></td> <td><u>9400 сўм</u></td> </tr> <tr> <td><i>Тўловчи</i></td> <td><i>(имзо)</i></td> <td><i>жами</i></td> <td></td> <td><u>9400 сўм</u></td> </tr> </tbody> </table>   | <i>тўлов тури</i>          | <i>ўтган йил қарзлари</i> | <i>жорий йил тўловлари</i> | <i>сана</i> | <i>пул миқдори</i> | жарима |  |  | <u>10.01.2014 й.</u> | <u>9400 сўм</u> | <i>Тўловчи</i> | <i>(имзо)</i> | <i>жами</i> |  | <u>9400 сўм</u> |
| <i>тўлов тури</i>   | <i>ўтган йил қарзлари</i>   | <i>жорий йил тўловлари</i> | <i>сана</i>               | <i>пул миқдори</i>         |             |                    |        |  |  |                      |                 |                |               |             |  |                 |
| жарима  |   |                            | <u>10.01.2014 й.</u>      | <u>9400 сўм</u>            |             |                    |        |  |  |                      |                 |                |               |             |  |                 |
| <i>Тўловчи</i>  | <i>(имзо)</i>   | <i>жами</i>                |                           | <u>9400 сўм</u>            |             |                    |        |  |  |                      |                 |                |               |             |  |                 |

**4.8. Маъмурий жазоланган шахсларни ҳисобга олиш тартиби (ЎЗР  
Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралда қабул қилган “Маъмурий  
жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини  
ташкил этиш тўғрисида”ги 39-сонли қарори талаблари асосида)**

**Маъмурий жазоланган шахсларни ҳисобга олиш  
КАРТОЧКАСИ**

**№ 1-АП шакли**

|  |                                       |
|--|---------------------------------------|
| 1. <u>Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани ИИБ ҲООБ</u><br>(протокол тузган, иш кўзгаган органнинг номи)   | 1. / / / /                            |
| 2. <u>Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани Қорасув 2-даҳа</u><br>(хуқуқбузарлик содир этилган жой)   | 2. / / / / / /                        |
| 3. <u>Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани жиноят суди</u><br>(ишни/протоколни кўриб чиққан ваколатли орган)   | 3. / / / /                            |
| 4. <u>№ 34. / TSH 0000716780</u><br>(Дафтар бўйича ишнинг рўйхатдан ўтказиш /протокол тартиб рақами)   | 4. / / / / / / / /<br>/ / / / / / / / |
| 4.1. Протокол тузилган /иш кўзгағатилган сана: <u>25.03.2015 йил</u>   | / / / / / / / /                       |
| 5. <u>Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани жиноят суди судьяси А.А.Собиров</u><br>(ишни кўриб чиққан шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)  |                                       |
| 6. Иш кўриб чиқилган сана: <u>26.03.2015 йил</u>   |                                       |
| 7. Карточкага тузатиш киритилган сана: _____   |                                       |
| 7.1. Тузатиш киритиш сабаблари: «1» – тўлдиришдаги хато; «2» – қарорни қайта кўриб чиқиш   | 7.1. / /                              |
| 8. Хуқуқбузарликнинг квалификацияси: МЖтК <u>183-моддаси</u> қисми   |                                       |
| 8.1. Хуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган сана): <u>2015 йил « 25 » март</u>  |                                       |
| 9. Маъмурий жазо чоралари (МЖтКнинг 23, 24-моддалари):   |                                       |
| 9.1. Асосийлари: «1» – жарима; «2» – предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; «3» – предметни мусодара қилиш; «4» – махсус хуқуқдан маҳрум қилиш; «5» – маъмурий қамоққа олиш. | 9.1. / <u>1</u> /                     |
| 9.2. Муддати: _____ йил « _____ » _____ гача   |                                       |
| 9.3. Қўшимча равишда: «2» – предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; «3» - предметни мусодара қилиш;   | 9.3. / /                              |
| 9.4. Хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатдан маъмурий чиқариб юбориш – «б».  | 9.4. / /                              |
| 10. Жарима миқдори:  |                                       |
| 10.1. Қўлланилгани: <u>355 200 (уч юз эллик беш минг икки юз) сўм;</u>   |                                       |
| 10.2. Ундирилгани: <u>355 200 (уч юз эллик беш минг икки юз) сўм.</u>  |                                       |
| 11. Предметнинг қиймати:   |                                       |
| 11.1. ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйилганини: _____ сўм;  |                                       |
| 11.2. мусодара қилинганини: _____ сўм.   |                                       |

|   |                                   |
|---|-----------------------------------|
| <b>12.</b> <u>Юсупов Нодир Дехконович</u><br>(хукукбузарликни содир этган шахсининг Ф.И.О.)   |                                   |
| <b>12.1.</b> Туғилган санаси: <u>1980 йил « 10 » октябрь</u>  |                                   |
| <b>12.2.</b> <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани Амир Темура кўчаси, 40-уй, 21-хонадон</u><br>(хукукбузарликни содир этган шахсининг яшаш жойи)   |                                   |
| <b>12.3.</b> Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: «1» – паспорт, «2» – яшаш гувоҳномаси, «3» – фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «4» – ҳайдовчилик гувоҳномаси, «5» – ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳномаси № <u>00067285</u> йил « <u>25</u> » <u>май</u> _____ да берилган <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ</u><br>(ким томонидан берилган) | <b>12.3.</b> / <u>1</u> /         |
| <b>12.4.</b> Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами: _____   |                                   |
| <b>12.5.</b> Ҳукукбузарнинг жинси : «1» – эр; «2» – аёл.  | <b>12.5.</b> / <u>1</u> /         |
| <b>12.6.</b> Фуқаролиги: «1» – Ўзбекистон фуқароси; «2» – хорижий фуқаро; «3» – фуқаролиги бўлмаган шахс.   | <b>12.6.</b> / <u>1</u> /         |
| <b>12.7.</b> Машғулотларининг тури: «1» – ўқиш; «2» – иш; «3» – машғулотларининг тури ноаниқ.. Ўқиш, иш жойи, лавозими: <u>вақтинча ишсиз</u>   | <b>12.7.</b> / <u>3</u> /         |
| <b>12.8.</b> Мастлик ҳолатидалиги: «1» – алкоғолли; «2» – гиёҳвандлик; «3» – бошқача мастлик.   | <b>12.8.</b> / <u>1</u> /         |
| <b>13.</b> Қарор: «1» – шикоят билдирилган; «2» – протест билдирилган.  | <b>13.</b> / <u>  </u> /          |
| <b>13.1.</b> Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш натижаси: «1» – қарор ўзгаришсиз қолдирилган; «2» – иш янғидан кўриб чиқиш учун жўнатилган; «3» – ишни кўриб чиқиш тугатилган; «4» – жазо чораси ўзгартирилган.   | <b>13.1.</b> / <u>  </u> /        |
| <b>14.</b> <u>2015 йил « 26 » март</u><br>(иш кўриб чиқилган сана ва кўриб чиққан шахсининг имзоси)   | <u>(имзо)</u><br>шахсининг имзоси |



**4.9. Маъмурий ҳуқуқбузарлик йиғмажилдидаги ҳужжатлар  
Р Ў Й Х А Т И**

| <b>№</b> | <b>Ҳужжатларнинг номи</b>                 | <b>Варақ №</b> |
|----------|---|----------------|
| 1.       | Рўйхат                                    | 1              |
| 2.       | Туман судига кузатув хати                 | 2              |
| 3.       | Фуқаро Н. Каримованинг аризаси            | 3              |
| 4.       | Фуқаро Н. Каримованинг тушунтириш хати    | 4              |
| 5.       | Фуқаро М. Қодировнинг тушунтириш хати     | 5              |
| 6.       | Фуқаро С. Тешабоевнинг тушунтириш хати    | 6              |
| 7.       | Фуқаро Х. Жалиловнинг тушунтириш хати     | 7              |
| 8.       | Яшаш жойидан маълумотнома                 | 8              |
| 9.       | Яшаш жойидан тавсифнома                   | 9              |
| 10.      | Туман ИИБдан маълумотнома                 | 10             |
| 11.      | Талабнома                                 | 11             |
| 12.      | Манзил маълумотлар бюросига сўровнома     | 12             |
| 13.      | 046727-сонли маъмурий баённома            | 13             |
| 14.      | Жарима тўлаганлиги тўғрисида қвитанция    | 14             |
| 15.      | Ҳуқуқбузарликни ҳисобга олиш карточкалари | 15             |

**Рўйхат тузувчи:**

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**В. А. Сувонқулов**

*2014 йил 21 январь*

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР  
ЮЗАСИДАН ТУЗИЛАДИГАН ПРОЦЕССУАЛ  
ҲУЖЖАТЛАРДАН  
НАМУНАЛАР**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ**

**МИРОБОД ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги  
кодексининг 52-моддаси 2-қисмига биноан фуқаро Юсупов Нодир  
Дехқоновични маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича**

**ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент 2015**

**Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисмига биноан  
1960 йилда туғилган фуқаро Юсупов Нодир Дехқоновичга нисбатан  
тузилган Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги йиғмажилдда тўпланган  
маъмурий-процессуал ҳужжатларнинг  
Р Ў Й Х А Т И**

| <b>№</b> | <b>Ҳужжатнинг номи</b>  | <b>Варақ №</b> |
|----------|---|----------------|
| 1.       | Рўйхат  | 1              |
| 2.       | Туман судига кузатув хати   | 2              |
| 3.       | Профилактика инспекторининг ТИИБ бошлиғига билдиргиси   | 3              |
| 4.       | Фуқаро Ф.Р.Юсупованинг аризаси  | 4              |
| 5.       | Фуқаро Ф.Р.Юсупованинг тушунтириш хати (жабрланувчи)  | 5              |
| 6.       | Фуқаро Н.Д.Юсуповнинг тушунтириш хати (ҳуқуқбузар)  | 6              |
| 7.       | Фуқаро М.Т.Султонованинг тушунтириш хати (гувоҳ)  | 7              |
| 8.       | Фуқаро А.В. Рўзиевнинг тушунтириш хати (гувоҳ)  | 8              |
| 9.       | Фуқаро Н.Д.Юсуповнинг Яшаш жойидан маълумотнома   | 9              |
| 10.      | Фуқаро Н.Д.Юсуповнинг Яшаш жойидан тавсифнома   | 10             |
| 11.      | Фуқаро Н.Д.Юсуповнинг иш жойидан тавсифнома   | 11             |
| 12.      | Тиббиёт муассасасидан фуқаро Ф.Р. Юсупованинг касаллик варақаси олиш тўғрисида қарор  | 12             |
| 13.      | Суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор   | 13             |
| 14.      | Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси   | 14             |
| 15.      | Фуқаро Н.Д. Юсуповнинг шахсини ва яшаш жойини тасдиқловчи паспортдан нусха  | 15             |
| 16.      | Талабнома   | 16             |
| 17.      | 0017651-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома   | 17             |
| 18.      | Туман судига маълумотнома (фуқаро Н.Д. Юсуповнинг бир йил мобайнида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки этмаганлиги ҳақида). (Ҳуқуқбузарни “Ахборот маркази” (судланганлиги) ва “АМБ” (ҳуқуқбузарлик содир этганлиги)дан текширгандан сўнг) | 18             |
| 19.      | Фуқаро Ф.Р.Юсупова ва Н.Д.Юсуповларни Миробод туман судига чақирув қоғози (қирқма қисми).   | 19             |
| 20.      | Фуқаро Ф.Р.Юсупова ва Н.Д.Юсуповларни адвокатга мухтож эмаслиги ҳақидаги тилхатлари   | 20             |
| 21.      | Туман судининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори  | 21             |
| 22.      | Жарима тўлаганлиги тўғрисида квитанция  | 22             |
| 23.      | Ҳуқуқбузарликни ҳисобга олиш карточкаси   | 23             |

**Рўйхатни тузувчи:**

Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж. А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

Миробод тумани ИИБ  
21.02.2015 йил  
Чиқиш: № 37/10

Тошкент шаҳар Миробод  
тумани Жиноят ишлари  
бўйича суди раиси  
Б. Ф. АЛИМОВга

Сизга, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддасининг 2-қисмига асосан, Тошкент шаҳар Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда яшовчи, 1960 йилда туғилган фуқаро Юсупов Нодир Дехқоновичга нисбатан тўпланган маъмурий-процессуал ҳужжатлар қонуний кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Илова: «23» варақдан иборат.

Миробод тумани ИИБ  
бошлиғи, подполковник

(имзо)  
(муҳр)

**Ф.Қ. Ражабов**

2015 йил «    » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳар Миробод  
тумани ИИБ бошлиғи  
подполковник

**Ф.Қ. Ражабовга**

### **Б и л д и р г и**

Сизга шуни маълум қиламанки, 2015 йилнинг 20 февраль куни менга Тошкент шаҳар Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда яшовчи, 1970 йилда туғилган фуқаро Ф.Р. Юсупова учрашиб, жорий йилнинг 13 февраль куни соат тахминан 21.30 ларда 1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, юқоридаги манзилда яшовчи турмуш ўртоғи фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович уйига маст ҳолда келиб, турли баҳоналарни важ қилган ҳолда жанжал чиқариб, уни ҳақорат қилганлиги, юзи ва бош қисмига уриб тан жароҳати етказганлиги, шу боис Ф. Р. Юсупованинг соғлиги ёмонлашганлиги сабабли Миробод туманидаги 16-сонли шифохонанинг травматология бўлимига ётиб даволанаётганлиги, юқоридагилардан келиб чиқиб Юсупов Нодир Дехқоновичга нисбатан қонуний чора кўриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди.

Сиздан, ушбу ариза бўйича 16-сонли тиббиёт муассасасидан фуқаро Ф.Р.Юсупованинг касаллик варақасини олиш ҳамда суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳар Миробод  
тумани ИИБ бошлиғи  
подполковник

**Ф.Қ. Ражабовга**

Тошкент шаҳар Миробод ту-  
мани Кичик бешёғоч кўчаси,  
89-уйда яшовчи, 1970 йилда  
туғилган фуқаро Юсупова  
Феруза Раҳмоновнадан

Тел: 292–35–35

### А Р И З А

Аризамнинг мазмуни шундан иборатки, 2015 йил 13 февраль куни соат 21.30 ларда турмуш ўртоғим Юсупов Нодир Деҳқонович уйга маст ҳолда келиб жанжал чиқарди, мени ҳақорат қилиб, юзим ва бошимга уриб тан жароҳати етказди.

Шу сабабли Сиздан турмуш ўртоғим Н.Д.Юсуповга нисбатан қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Аризачи:

(имзо)

**Ф.Р. Юсупова**

2015 йил « » \_\_\_\_\_

Аризани олувчи:

Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил « » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳар Миробод тумани  
ИИБ бошлиғи подполковник

**Ф.Қ. Ражабовга**

Тошкент шаҳар Миробод тумани  
Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда  
яшовчи, 1970 йилда туғилган фуқа-  
ро Юсупова Феруза Раҳмоновнадан

### **ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Менга берилган саволларга куйидагича жавоб бераман ва турмуш ўртоғимга нисбатан берган ёзма аризамга айрим қўшимчалар киритаман:

Юқорида кўрсатилган манзилда оилам билан 1991 йилдан бери яшаб кел-моқдаман. Турмуш ўртоғим Юсупов Нодир Дехқоновичга 1991 йилда турмушга чиққанман. Икки нафар вояга етмаган фарзандимиз бор.

Турмуш ўртоғим кейинги вақтларда кўп ичадиган, арзимаган сабаблар билан уйда жанжал кўтариб, мени ва болаларимни ҳақоратлайдиган одат чиқарди. Мен кўни-кўшни ва қариндошлардан уялиб, уйда бўлган жанжаллар тўғрисида милицияга мурожаат қилмай юрган эдим. Эрим менинг гапларимга умуман қулоқ солмай кўйди, оилавий жанжаллар натижаси болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсата бошлади.

2015 йил 13 февраль куни соат тахминан 21.30 ларда турмуш ўртоғим Н. Д. Юсупов уйга ишдан маст ҳолатда келиб, кечки овқат тайёрлаганмисан деб сўради. Мен ҳозир тайёр бўлади десам, у нега тайёр эмас деб жанжал чиқариб, баланд овозда мени ва болаларимни ҳақоратлаб, болаларни уйдан ҳайдаб чиқарди, менинг юзим ва бошимга бир неча бор қўли билан уриб, тан жароҳати етказди. Мен унинг қўлидан юзимдаги қон билан уйдан қочиб чиқдим. Бизнинг уйда бўлган жанжални қўшниларимиз Махфират опа билан Адҳам акалар эшитиб, ҳовлимизга келиб эримни тартибга чақиришди. Ўша кеча соғлигим ёмонлашиб, оғриқ кучайганлиги боис Миробод туман шифохонасига мурожаат қилдим. Мени шифокорлар травматология бўлимига стационар даволанишга ётқизишди ва ҳозир шу жойда даволанмоқдаман.

Мазкур ҳолатлар сабабли ариза беришга мажбур бўлдим.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

(имзо)

**Ф.Р. Юсупова**

Тушунтириш хатини олувчи:  
Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳар Миробод тумани  
ИИБ бошлиғи подполковник

**Ф.Қ. Ражабовга**

Миробод тумани Кичик бешёғоч  
кўчаси, 89-уйда яшовчи, 23-сонли  
болалар боғчасида қоровул бўлиб  
ишловчи, 1960 йилда туғилган  
фукаро Юсупов Нодир  
Дехқоновичдан

### ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

Мен, Юсупов Нодир Дехқонович, ҳақиқатан ҳам юқорида кўрсатилган манзилда турмуш ўртоғим билан 1991 йилдан бери яшаб келмоқдаман. Турмуш ўртоғим Юсупова Феруза билан 1991 йилда турмуш қурганмиз, икки нафар вояга етмаган фарзандларимиз бор. Турмуш қурганимиздан бери яхши яшар эдик. Кейинги вақтларда кўп спиртли ичимлик ичадиган ва уйга маст ҳолатда келиб, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган бўлиб қолдим.

Ҳақиқатан ҳам 2015 йил 13 февраль куни ишдан тахминан соат 21.30 ларда уйга маст ҳолда келдим. Келсам турмуш ўртоғим Феруза уйда экан, ундан кечки овқат тайёрми деб сўрадим. У эса тайёр эмас, тайёрлаяпман, уйга кириб турунг мен ҳозир тайёрлаб олиб кириб бераман деди. Менга турмуш ўртоғимнинг ушбу гапи маст ҳолатда эканлигим учун ёқмади. Шу сабабли жаҳлим чиқиб, фарзандларимни уришиб, кўчага чиқариб юбориб, сен нима учун кечки овқатни вақтида тайёрламадинг деб ҳақиқатан ҳам турмуш ўртоғимнинг юзи ва бошига бир неча маротаба урдим. Сўнг у қўлимдан чиқиб, кўчага қочиб кетди.

Бу шовқинни эшитган қўшниларимиз Махфират опа билан Адҳам акалар ҳовлимизга келиб, мени тартибга чақиришди.

Мен ўз қилмишимдан жуда пушаймонман. Бошқа бундай ҳолатлар қайтарилмайди. Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

(имзо)

**Н.Д. Юсупов**

Тушунтириш хатини олувчи:  
Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_



Тошкент шаҳар Миробод  
тумани ИИБ бошлиғи  
подполковник

**Ф.Қ. Ражабовга**

Миробод тумани Кичик беш-  
ёғоч кўчаси, 88-уйда яшовчи,  
пенсионер, 1945 йилда туғилган  
фуқаро Султонова Махфират  
Алиевнадан

### ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

Юқорида кўрсатилган манзилда Юсуповлар оиласи билан бир неча йилдан буён қўшни бўлиб яшаб келмоқдамиз, қўшничилик муносабатларимиз яхши. Улар ҳам оиласи билан тинч-тотув яшарди. Бошқа қўшнилари билан ҳам яхши муносабатда эди. Охири вақтларда Нодир спиртли ичимликка ружу қўйиб, оиласида тез-тез жанжал чиқарадиган бўлиб қолди. Шу сабабли маҳалла оқсоқоли ва маҳалла қўмитаси раиси томонидан ҳам бир неча мартаба огоҳлантирилганди. Ушбу огоҳлантиришлардан ўзига тўғри хулоса чиқариб олмади.

2015 йил 13 февраль куни соат тахминан 21.30 ларда Юсуповлар оиласида бақир-чақир овозлар эшитилди. Мен қўшним Нодирнинг яна спиртли ичимлик ичиб келиб жанжал қилаётгани ҳамда оиласидагиларга бирор қор-ҳол бўлмасин деб уларникига чиқсам, фарзандлари ҳовлида йиғлаб турган экан. Мен ҳовлига кирганимда Феруза юзларида қон билан югуриб чиқди. Ортидан эса эри Нодир маст ҳолатда чиқиб келди. Мен уларни тинчлантириб, насихат қилаётганимда 90-уйда яшовчи Рўзиев Адҳамжон ҳам олдимизга келиб, эр-хотинларни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Сўнгра мен Феруза ва унинг фарзандларини уйимга олиб чиқиб кетдим. Ўша кеча Ферузанинг соғлиги ёмонлашиб, оғриқ кучайганлиги боис Миробод тумани шифохонасига мурожаат қилди ва ҳозирги кунда ҳам у ўша шифохонада даволанмоқда. Менинг кўрган-билганларим шулардан иборат.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

(имзо)

**М.А. Султонова**

Тушунтириш хатини олувчи:  
Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳар Миробод тумани  
ИИБ бошлиғи подполковник

**Ф.Қ. Ражабовга**

Миробод тумани Кичик бешёғоч  
кўчаси, 90-уйда яшовчи,  
вақтинча ишсиз, 1959 йил  
туғилган фуқаро Рўзиев  
Адхамжон Валиевичдан

### ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

Юқорида кўрсатилган манзилда Юсуповлар оиласи билан бир неча йиллардан буён кўшни бўлиб яшаб келмоқдаман. Кўшничилик муносабатларимиз яхши. Юсуповлар оиласи ҳам ўзаро иноқ яшашар эди, лекин кейинги вақтларда эр-хотин ўртасида тез-тез жанжал кўтариладиган бўлиб қолди. Билишимча, кўшним Нодир кўп ичадиган одат чиқариб, оиласида нотинчликни вужудга келтирган.

2015 йил 13 февраль куни соат тахминан 21.30 ларда ҳовлимнинг дарвозасини кулфлаётган вақтимда, уларнинг ҳовлисида жанжал бўлаётганлигини эшитиб қолдим ва жанжалга барҳам бериш учун уларнинг ҳовлисига кирдим. У ерда кўшнимиз Махфират опа уларга насиҳат қилиб, тинчлантираётган экан. Ферузанинг юзлари қон, болалари эса «дадам ойимни уряпти», деб йиғлаб туришарди.

Махфират опа билан уларни тинчлантириб, анча насиҳат қилдик. Сўнг Махфират опа Феруза ва фарзандларини ўзининг уйига олиб чиқиб кетди. Кейин эшитишимча, кўшнимиз Феруза касалхонага ётиб даволанаётганлиги маълум бўлди. Менинг кўрган-билганларим шулардан иборат.

Тушунтириш хатини ўз кўлим билан тўғри ёздим.

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

(имзо)

**А.В. Рўзиев**

Тушунтириш хатини олувчи:  
Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳар Миробод  
тумани ИИБ бошлиғи,  
подполковник  
**Ф.Қ. Ражабовга**

## М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаким, 1960 йил 30 июлда Тошкент шаҳрида туғилган фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Миробод тумани, «Бобур» маҳалласи, Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда ўз оиласи, яъни турмуш ўртоғи Ф.Р.Юсупова ва икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан истиқомат қилади.

Маълумотнома талаб қилинган жойга кўрсатиш учун берилди.

«Бобур» маҳалласи фуқаролар  
йиғинининг раиси

(имзо)  
(муҳр)

**И. Х. Эгамов**

Котиб

(имзо)

**А. И. Салиева**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

## ТАВСИФНОМА

Ушбу тавсифнома Миробод тумани, «Бобур» маҳалласи, Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда яшовчи фуқаро Юсупов Нодир Дехқоновичга берилди.

Фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович 1960 йил 30 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, юқорида кўрсатилган манзилда ўз оиласи билан истиқомат қилади. Оилали, турмуш ўртоғи 1970 йилда туғилган фуқаро Ф.Р.Юсупова ва икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор.

Н.Д.Юсупов Миробод туманидаги 23-сонли болалар боғчасида қоровул бўлиб ишлайди. Муқаддам судланмаган. Уларнинг оиласи сўнги вақтда маҳалламиздаги нотинч оилалар тоифасига киритилди. Чунки Н.Д.Юсупов кейинги пайтларда спиртли ичимликка ружу қўйганлиги боис уларнинг оиласида но-соғлом муҳит юзага келган.

Юсупов Нодир Дехқонович спиртли ичимликка ружу қўйганлиги сабабли маҳаллада бўлиб ўтадиган жамоат ишлари, тўй-маъракаларда қатнашмайди. Шу сабабли ҳам маҳаллада ҳеч қандай обрўга эга эмас. Унинг турмуш ўртоғидан оғзаки равишда бир қанча шикоятлар тушиб, маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида муҳокама қилинган. Аммо, у ўзига тўғри хулоса чиқармади.

Миробод тумани «Бобур» маҳалласи  
фуқаролар йиғинининг раиси

(имзо)  
(муҳр)

**И.Х. Эгамов**

Котиб

(имзо)

**А.И.Солиева**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

## ХИЗМАТ ТАВСИФНОМАСИ

Ушбу тавсифнома Миробод тумани 23-сонли болалар боғчасида қоровул бўлиб ишловчи фуқаро Юсупов Нодир Дехқоновичга берилди.

Юсупов Нодир Дехқонович 1999 йил 30 июлдан 23-сонли болалар боғчасида қоровул бўлиб ишлаб келмоқда. Оилали, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор.

Юсупов Нодир Дехқонович ўз хизмат вазифаларини қониқарли даражада бажаради, унинг ойлик маоши – 580.000 (беш юз саксон минг) сўмни ташкил қилади.

Н.Д. Юсуповнинг иш фаолиятида меҳнат интизомини бузиш ҳолатлари мавжуд. Ишга кечикиб келиш ҳолатлари бўйича бир неча бор муҳокама қилинган. Сўнгги вақтларда Н.Д. Юсуповнинг спиртли ичимлик таъсирида баъзан маст аҳволда бўлган ҳолатлари аниқланди. У билан тарбиявий суҳбатлар ўтказилди ва огоҳлантирилди.

Миробод тумани 23-сонли  
«Ғунча» болалар боғчаси  
мудираси

(имзо)  
(муҳр)

**Б.И. Тўраева**

2015 йил «    » \_\_\_\_\_

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Тошкент шаҳар Миробод  
тумани ИИБ бошлиғи,  
подполковник

**Ф.Қ. Ражабов**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

### **Касаллик варақасини олиш тўғрисида**

### **Қ А Р О Р**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

Мен, Миробод тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори капитан Ж.А.Мирзаев, фуқаро Ф.Р. Юсупованинг аризаси бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

### **АНИҚЛАДИМ:**

Фуқаро Юсупова Феруза Раҳмоновна 1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда оиласи билан истиқомат қилади. 2015 йил 20 февраль куни соат 21.30 ларда Ф.Р.Юсуповани ўз уйида турмуш ўртоғи 1960 йилда туғилган Юсупов Нодир Дехқонович маст ҳолатда келиб, ҳақорат қилиб юзи ва бош қисмига қўли билан уриб, унга тан жароҳати етказган. Шу куни Ф.Р.Юсупова Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 16-сонли шифохонанинг травматология бўлимига ётқизиблиб, 13 февралдан 26 февралгача даволанган.

Фуқаро Ф.Р.Юсупованинг олган тан жароҳати даражасини аниқлаш учун суд-тиббийёт экспертизасидан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 157, 159-моддаларини қўллаб,

### **Қ А Р О Р   Қ И Л Д И М:**

– Миробод туманидаги 16-сонли тиббийёт муассасаси травматология бўлиmidан фуқаро Ф.Р.Юсуповага тегишли касаллик варақаси олинсин.

– қарорнинг бир нусхаси 16-сонли тиббийёт муассасаси бош шифокорига юборилсин.

Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Тошкент шаҳар Миробод  
тумани ИИБ бошлиғи,  
подполковник

**Ф.Қ. Ражабов**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

## Суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисида

### Қ А Р О Р

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

Мен, Миробод туман ҲООБ профилактика инспектори капитан Ж.А.Мирзаев, фуқаро Ф.Р. Юсупованинг аризаси бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И М :

Фуқаро Юсупова Феруза Раҳмоновна 1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда оиласи билан истиқомат қилади. 2015 йил 13 февраль куни соат 21.30 ларда Ф. Р. Юсуповани ўз уйида турмуш ўртоғи 1960 йилда туғилган Юсупов Нодир Дехқонович маст ҳолатда келиб, ҳақорат қилиб, юзи ва бош қисмига кўли билан уриб тан жароҳати етказган. Ф. Р. Юсупова Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 16-сонли шифохонанинг травматология бўлимида 13 февралдан 26 февралгача даволанган. Фуқаро Ф.Р.Юсупова олган тан жароҳатларининг механизмини, оғирлик даражаси ва вақтини аниқлаш учун махсус билимлар зарурлигидан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 172–174, 180-моддаларини қўллаб,

### Қ А Р О Р   Қ И Л Д И М :

– фуқаро Ф.Р. Юсуповага суд-тиббий экспертизаси тайинланиб, уни ўтказиш Тошкент шаҳар суд-тиббиёт экспертизасига топширилсин.

– суд-тиббиёт экспертизаси олдига ҳал қилиши учун қуйидаги саволлар қўйилсин:

а) фуқаро Ф.Р.Юсуповага етказилган тан жароҳатнинг сабаби, вақти ва келиб чиқиш механизмини аниқлаш;

б) фуқаро Ф. Р. Юсупованинг танасида жароҳатининг мавжудлиги, уни етказилган муддати ва оғирлик даражасини аниқлаш.

Миробод тумани ИИБ ҲООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

СТЭМ 20.15 йил 14 февраль  
Чикиш: 3553/2799 -сон

**Суд-тиббиёт экспертизасининг  
ХУЛОСА СИ**

Фуқаро Юсупова Феруза Раҳмоновнанинг олган тан жароҳати «Соғлиқни бузмаган енгил тан жароҳати» тоифасига киради.

Суд-тиббиёт эксперти

(имзо)

Ж.Л.Раҳматуллаев

2015 йил «   » \_\_\_\_\_

(муҳр)



## ТАЛАБНОМА

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказга

(Талабнома жўнатилаётган Республика, вилоят, туман, шаҳар органнинг номи)

1. Фамилияси Юсупов

2. Иسمى, отасининг исми Нодир Дехқонович

3. Туғилган санаси 1960 йил 30 июль

4. Туғилган жойи Тошкент шаҳри

5. Манзили Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уй

6. Текшириш сабаби Ариза тушганлиги сабабли

7. Қандай маълумот зарур тўлиқ

(судланганлиги, қаерда эканлиги)

Бошлиқ: Миробод тумани ИИБ бошлиғи подполковник Ф.Қ. Ражабов (имзо)

(талабнома жўнатган орган бошлиғининг Ф.И.Ш., унвони, лавозими, имзо)

Ижрочи: Миробод тумани ИИБ ҲООБ проф.инс. капитан Ж.А. Мирзаев (имзо)

(Ф.И.Ш., унвони, лавозими, имзо)

Жўнатувчининг манзили:

Республика номи Ўзбекистон Республикаси

Вилоят, туманнинг номи Тошкент шаҳар Миробод тумани

Органнинг номи ИИБ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик баённома тузилади (битта А-Форматли махсус  
рангли варақда (горизантал шаклда учта қисмдан иборат)

**1-ҚИСМИ**

Маъмурий баённома

ТШ № 0003118

Маъмурий баённома Миробод тумани  
(ҳуқуқбузарнинг турар жойи)

Кичик бешёғоч кўчаси, 62-уй  
да яшовчи 30.07.1960 йилда

туғилган фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович га  
(ҳуқуқбузарнинг Ф.И.Ш.)

нисбатан 14.02.2015 - йил куни

Ўз.Р. МЖТКнинг 52 - моддаси 2 - қисмига  
асосан Миробод тумани ИИБ ХОО Б  
(шаҳар-туман ИИБ номи)

профилактика (катта) инспектори капитан  
(унвони)

Мирзаев Жамол Алиевич  
(фамилия, исми шарифи)

томонидан тузилган маъмурий баённома  
14.02.2015 - йил куни 3553/2799-сонли хат орқали  
(кун) (ой) (йил) (китма, қасрга, исчанчи рақам билан)

Миробод тумани жиноят ишлари бўйича суди судьяси  
Алимов Баҳром Фозилович га топширилди (юборилди).  
Б.Ф.Алимов (имзо) 15.02.2015 -йил  
(қабул қилган ходимнинг Ф.И.Ш.) (имзо) (қабул қилган сана)

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича чиқарилган  
**Қ А Р О Р**

Фуқаро Юсупов Нодир  
(ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, шарифи)

Дехқонович

ЎзР.  
МЖТКнинг 52 – моддаси 2 - қисмида  
кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун  
236800 (икки юз ўттиз олти минг саккиз минг тўрт юз) сўм  
(қабул қилинган қарорнинг мазмуни)

жарима жазосини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди.  
Миробод тумани Жиноят судининг судьяси  
Алимов Баҳром Фозилович  
(қарор қабул қилган ходимнинг фамилияси, исми шарифи)

16.02.2015 йил  
(қабул қилинган сана) (қарор қабул қилган ходимнинг имзоси)

(имзо) Н.Д.Юсупов 16.02.2015 йил  
(қарор билан танишган ҳуқуқбузарнинг имзоси) (қарор билан танишган сана)

## 2-ҚИСМИ

« 14 » 02 20 15 йил  
(маъмурий баённома тузилган сана)

Тошкент шаҳри  
(маъмурий баённома тузилган жой)

### **ТШ № 0003118 -сонли маъмурий баённома**

Мен, Миробод тумани ИИБ ХОО Б профилактика (катта) инспектори

капитан Мирзаев Жамол Алиевич  
(унвони) (фамилияси, исми шарифи)

мазкур баённомани 14 . 02 . 20 15 йил кун соат 08 . <sup>00</sup> да  
(кун, ой йил) (соат дақиқа)

фуқаро А. Д. Юсупов уйига маст ҳолда келиб турли баҳоналарни важ қилиб жанжал чиқариб турмуш ўртоғи Ф.Р.Юсуповани ҳақорат қилиб, юзи ва бош  
(Ф.И.Ш. қискартирилиб) (маъмурий ҳуқуқбузарлик каерда содир этилган, қандай тартибда, қисқача тафсилоти)

қисмига уриб тан жароҳати етказиб ўз ҳаракатлари билан ЎЗР МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлигини аниқладим.

### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ҳақида маълумот**

- Юсупов .2. Нодир .3. Дехқонович .  
(фамилияси) (исми) (шарифи)
- 30 . 07 . 1960 й. 5. Тошкент . 6. Миробод тумани .  
(туғилган сана (кун, ой)) (туғилган жойи) (туғилган жойи)
- Миробод туман 23-сонли болалар бозчасида 8. Қоровул .  
(или жойи) (лавозими)
- 2 та (иккита) 10. Аввал судланмаган ва жавобгарликка тортилмаган.  
(қаромондагилар сони (суз билан)) (аввал маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида маълумот)

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳуқуқлари билан таништирилди (ЎЗР МЖТКнинг 194 - моддаси). Ҳуқуқбузарнинг имзоси (имзо) .

### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг қисқача тушунтириш хати**

Алоҳида варақда олинди (имзо)  
(ҳуқуқбузарнинг имзоси)

### **Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни тасдиқловчи гувоҳлар (бўлса), ҳолислар:**

- Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 88-уй да яшовчи  
(гувоҳ еки холиснинг яшаш манзили)  
Султонова Махфират Алиевнадан (имзо)  
(гувоҳ еки холиснинг Ф.И.Ш.) (гувоҳнинг имзоси)
- Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 90-уй да яшовчи  
(гувоҳ еки холиснинг яшаш манзили)  
Рўзиев Адхамжон Валиевичдан  
(гувоҳ еки холиснинг Ф.И.Ш.) (гувоҳнинг имзоси)

### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан қабул қилинган қарор**

Фуқаро Д.Н.Юсупов МЖТКнинг 52-м 2-қисмида кўрсатилган ҳаракатларни содир этганлиги учун Миробод тумани жиноят ишлари бўйича судининг судьяси Б.Ф.Алимов томонидан 236800 (икки юз ўттиз олти минг саккиз юз) сўм жарима қўлланилди  
(қарор қабул қилган мансабдор ходимнинг)

16. 02. 2015 й. (имзо) Миробод тумани жиноят судининг судьяси Б.Ф.Алимов  
(қарор қабул қилинган сана) (имзо) (қарор қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси)

Қарорни олдим Д.Н.Юсупов (имзо) 15. 02. 2016 йил.  
(ҳуқуқбузарнинг Ф.И.Ш.) (имзоси) (кун ой йил)

**ТШ 0003118-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича чиқарилган қарор**

\_\_\_\_\_ . 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ .  
(қарор чиқарилган сана) (қарор чиқарилган жой)

Мен, профилактика (катта) инспектори \_\_\_\_\_ . 20 \_\_\_\_ - йил  
(унвони) (профилактика (катта) инспекторининг Ф.И.Ш) (кун) (ой) (йил)

қуни соат \_\_\_\_\_ . Да \_\_\_\_\_ да яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_ .  
(соат) (дақиқа) (маъмурий ҳуқуқбузарнинг турар жойи) (фамилияси исми шарифи)

Ўз.Р.МЖТКнинг \_\_\_\_\_ - моддаси \_\_\_\_\_ -қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб  
Фуқаро \_\_\_\_\_ га \_\_\_\_\_ жарима қўлланилди .  
(маъмурий ҳуқуқбузарнинг Ф.И.Ш) (қабул қилинган қарорнинг қисқача мазмуни)

\_\_\_\_\_ (маъмурдор шахснинг имзаси Ф.И.Ш.)

**3-ҚИСМИ**

Миробод тумани жиноят  
ишлари бўйича судининг  
раиси

**Б.Ф. АЛИМОВ**га

### МАЪЛУМОТНОМА

Сизга шуни маълум қиламизки, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда яшовчи, 1960 йилда туғилган фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович 2014 йилнинг 13 февраль кунидан 2015 йилнинг 13 февраль кунига қадар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган.

М.Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи  
подполковник

(имзо)  
(муҳр)

**Қ.Н. Ражабов**

**Миробод тумани Жиноят  
ишлари бўйича судига**

### ТИЛХАТ

Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда яшовчи, 1960 йилда туғилган фуқаро Юсупов Нодир Дехқоновичдан

Менга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисмига асосан йиғилган процессуал ҳужжатлар билан танишиб чиқдим, ҳеч кимга нисбатан эътирозим йўқ.

Мазкур ҳужжатларнинг судда кўриб чиқилишида адвокатга мухтож эмаслигимни маълум қиламан.

14.02.2015

**Н.Д.Юсупов**

### Чақирув қоғози

**Фуқаро:** Юсупов Нодир Дехқонович

**Манзили:** Тошкент шаҳар Миробод тумани, Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уй  
Сизни 2015 йил 16 февраль кун соат 9:00 да Миробод тумани жиноят ишлари бўйича судига фуқаролик паспортингиз билан етиб келишингизни сўраймиз.

**Манзилимиз:** Миробод тумани Муқимий кўчаси, 25 уй, тел: 292-18-55.

Узрсиз сабабларга кўра кўрсатилган вақтда келмасангиз ЎЗР ЖПКнинг 261-264-моддалари талабларига мувофиқ мажбурий тартибда келтирилишингиз мумкинлигини билдираман.

Миробод тумани ИИБ ҚООБ  
профилактика инспектори,  
капитан

(имзо)

**Ж.А. Мирзаев**

2015 йил 16 февраль кун соат 9:00га Миробод тумани жиноят ишлари бўйича судига чақирув қоғозини олдим.

**Чақирув қоғозини олган шахс:** Юсупов Нодир Дехқонович (имзо) 2015 йил 15 февраль

## Қ А Р О Р

2015 йил 16 февраль

Тошкент шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани жиноят судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик этувчи жиноят ишлари бўйича Миробод тумани жиноят ишлари бўйича судининг судьяси Б.Ф.Алимов раислигида, М.Тажибоев котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-модда 2-қисми билан фуқаро Юсупов Нодир Дехқоновичга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик иши кўрилди.

Фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович – 1960 йил 30 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Миробод туманидаги 23-сон мактабгача таълим муассасаси қоровули, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уйда яшайди.

Суд мазкур иш бўйича ҳуқуқбузар ва аризачининг кўрсатмаларини ҳамда ишга илова қилинган ҳужжатларни атрофлича муҳокама қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович 2015 йил 13 февраль куни соат 21<sup>00</sup>ларда яшаш уйига маст ҳолда келиб, турли баҳоналарни важ қилган ҳолда жанжал чиқариб, турмуш ўртоғи Юсупова Феруза Раҳмоновнани “сен менга доим гап қайтарасан” деб кўл ва оёқлари билан уриб, тан жароҳати етказганлиги сабабли, Юсупова Феруза унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ номига ариза билан мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар СТЭБнинг 2015 йил 14 февралдаги 3553/2799-сонли хулосасида фуқаро Юсупова Ферузанинг соғлиғи бузилишига сабабчи бўлмаган энгил тан жароҳати олганлиги кўрсатилган.

Фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович ўзининг юқоридаги ҳаракати билан, яъни фуқаро Юсупова Ферузани уриб, унга соғлиғи бузилишга сабабчи бўлмаган энгил тан жароҳати етказиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-модда 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган.

Судда сўралган жабрланувчи Юсупова Феруза, ҳақиқатан ҳам шу йил 13 февраль куни соат тахминан 21.30 ларда турмуш ўртоғи Н.Д.Юсупов уйга ишдан маст ҳолатда келиб, жанжал чиқариб, болаларини ҳақоратлаб, уйдан ҳайдаб чиқариб, унинг юз ва бошига бир неча бор кўли билан уриб, тан жароҳати етказган. Юсупова Феруза унинг кўлидан юзидаги қон билан уйдан қочиб чиққан. Уйда бўлган жанжални кўшнилари Махфират опа билан Адҳам акалар эшитиб, уларнинг ҳовлисига келиб Юсупов Нодир Дехқонович тартибга чақирилган. Ўша кеча Юсупова Ферузанинг соғлиғи ёмонлашиб, оғриқ кучайган-

лиги боис Миробод тумани шифохонасига мурожаат қилган. Юсупова Ферузани шифокорлар травматология бўлимига стационар даволанишга ётқизишганлигини ва шу жойда даволанганлигини баён қилган.

Судда сўралган ҳуқуқбузар Юсупов Нодир Дехқонович, ҳақиқатан 2015 йил 13 февраль куни яшаш уйига маст ҳолда келганида турмуш ўртоғи Феруза овқатни тез олиб келмасдан гап қайтарганлигини, Ферузага нега овқатни тез олиб келмайсан деб, унга жаҳл қилиб, уни уриб юборганини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик сўраган.

Юсупов Нодир Дехқоновичнинг содир этган ҳуқуқбузарлик ҳаракати унинг судда берган кўрсатмасидан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишидаги тиббий хулоса, тушунтириш хатлари ва ишдаги бошқа далиллар билан ўз исботини топган.

Суд Юсупов Нодир Дехқоновичга нисбатан жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг шахси ва ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг хусусиятини эътиборга олган ҳолда жазо тайинлаши лозим деб ҳисоблади.

Бинобарин, суд юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 309–311-моддаларини қўллаб,

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

Фуқаро Юсупов Нодир Дехқонович Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-модда 2-қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилсин ва унга нисбатан шу моддага асосан энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги 468480 (тўрт юз олмиш саккиз минг тўрт юз саксон) сўм маъмурий жарима жазоси тайинлансин.

Қарордан норози томонлар 10 кун муддат ичида, ҳуқуқбузар қарор нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидир.

Судья:

Б.Ф. Алимов

|   | <p align="center"><u>Миробод туман ИИБ</u><br/>(тўловни оловчи муассасанинг номи)</p> <p><b>Банк муассасаси</b> <u>Ипотека</u></p> <p><b>Тўловни оловчининг</b><br/>х/р <u>23402000300100001369</u></p> <p><b>БММ рақами</b><br/><u>Юсупов Нодир Деҳқонович</u><br/>( фамилияси, исми, отасининг исми)</p> <p><u>Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 62-уйда</u><br/>(яшаш манзили)</p>                                  |                            |                           |                            |             |                    |               |  |               |  |                   |                |  |             |  |  |
|---|---|----------------------------|---------------------------|----------------------------|-------------|--------------------|---------------|--|---------------|--|-------------------|----------------|--|-------------|--|--|
| <p><i>ПАТТА</i><br/><i>Хазиначи</i></p> | <table border="0"> <thead> <tr> <th><i>тўлов тури</i></th> <th><i>ўтган йил қарзлари</i></th> <th><i>жорий йил тўловлари</i></th> <th><i>сана</i></th> <th><i>пул миқдори</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td><i>жарима</i></td> <td></td> <td><i>Жарима</i></td> <td></td> <td><u>468480 сўм</u></td> </tr> <tr> <td><i>Тўловчи</i></td> <td></td> <td><i>жами</i></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table> | <i>тўлов тури</i>          | <i>ўтган йил қарзлари</i> | <i>жорий йил тўловлари</i> | <i>сана</i> | <i>пул миқдори</i> | <i>жарима</i> |  | <i>Жарима</i> |  | <u>468480 сўм</u> | <i>Тўловчи</i> |  | <i>жами</i> |  |  |
| <i>тўлов тури</i>                       | <i>ўтган йил қарзлари</i>   | <i>жорий йил тўловлари</i> | <i>сана</i>               | <i>пул миқдори</i>         |             |                    |               |  |               |  |                   |                |  |             |  |  |
| <i>жарима</i>                           |   | <i>Жарима</i>              |                           | <u>468480 сўм</u>          |             |                    |               |  |               |  |                   |                |  |             |  |  |
| <i>Тўловчи</i>                          |   | <i>жами</i>                |                           |                            |             |                    |               |  |               |  |                   |                |  |             |  |  |



**Маъмурий жазоланган шахсларни ҳисобга олиш  
КАРТОЧКАСИ**

**№ 1-АП шакли**

|  |  |
|--|--|
| 1. <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ</u><br>(протокол тузган, иш қўзғатган органнинг номи)   | 1. / / / /                                   |
| 2. <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани Кичик бешёғоч кўчаси, 89-уй</u><br>(ҳуқуқбузарлик содир этилган жой)  | 2. / / / / / /                               |
| 3. <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани Жиноят ишлари бўйича суди</u><br>(ишни/протоколни кўриб чиққан ваколатли орган)   | 3. / / / /                                   |
| 4. <u>0017651</u><br>(Дафтар бўйича ишнинг рўйхатдан ўтказиш / протокол тартиб рақами)   | 4. / / / / / /<br>/ / / / / /<br>/ / / / / / |
| 4.1. Протокол тузилган / иш қўзғатилган сана:<br><u>2015 йил « 14 » февраль</u>  |  |
| 5. <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани жиноят ишлари бўйича суди</u><br><u>раиси Алимов Баҳром Фозилович</u><br>(ишни кўриб чиққан шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)                                  |  |
| 6. Иш кўриб чиқилган сана:<br><u>2015 йил « 16 » февраль</u>   |  |
| 7. Карточкага тузатиш киритилган сана:<br><u>йил «    »</u>  |  |
| 7.1. Тузатиш киритиш сабаблари: «1» — тўлдиришдаги хато;<br>«2» — қарорни қайта кўриб чиқиш  | 7.1. / /                                     |
| 8. Ҳуқуқбузарликнинг квалификацияси: МЖТКнинг 52 қисми 2 -моддаси  |  |
| 8.1. Ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган сана):<br><u>2015 йил « 14 » февраль</u>  |  |
| 9. Маъмурий жазо чоралари (МЖТКнинг 23, 24-моддалари):   |  |
| 9.1. асосийлари: «1» — <b>жарима</b> ; «2» — предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; «3» — предметни мусодара қилиш; «4» — махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш; «5» — маъмурий қамоққа олиш. | 9.1. / /                                     |
| 9.2. муддати: _____ йил «    » _____ гача  | 9.3. / /                                     |
| 9.3. қўшимча равишда: «2» — предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; «3» — предметни мусодара қилиш;   | 9.4. / /                                     |
| 9.4. хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатдан маъмурий чиқариб юбориш — «6».  |  |

|  |                           |
|--|---------------------------|
| <p><b>10. Жарима миқдори:</b><br/> <b>10.1.</b> қўлланилгани: <u>468480 (тўрт юз олмиш саккиз минг тўрт юз саксон) сўм;</u><br/> <b>10.2.</b> ундирилгани: <u>468480 (тўрт юз олмиш саккиз минг тўрт юз саксон) сўм</u></p>  |                           |
| <p><b>11. Предметнинг қиймати:</b><br/> <b>11.1.</b> ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйилганини: _____ сўм;<br/> <b>11.2.</b> мусодара қилинганини: _____ сўм.</p>   |                           |
| <p><b>12.</b> <u>Юсупов Нодир Дехқонович</u><br/> (хуқуқбузарликни содир этган шахснинг Ф.И.О.)</p>  |                           |
| <p><b>12.1.</b> Туғилган санаси: _____ <u>1960</u> йил «<u>30</u>» _____ <u>июль</u> _____.</p>  |                           |
| <p><b>12.2.</b> <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани кичик бешёғоч 89-уй</u><br/> (хуқуқбузарликни содир этган шахснинг яшаш жойи)</p>  |                           |
| <p><b>12.3.</b> Шахсини тасдиқловчи хужжат: «1» – паспорт, «2» – яшаш гувоҳномаси, «3» – фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «4» – ҳайдовчилик гувоҳномаси, «5» – ҳарбий гувоҳнома ёки шахснинг тасдиқловчи гувоҳномаси № <u>СА 0125684 2005</u> йил «<u>30</u>» _____ <u>июнь</u> да берилган _____ <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан</u><br/> (ким томонидан берилган)</p> | <b>12.3.</b> / <u>1</u> / |
| <p><b>12.4.</b> Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами: _____</p>   |                           |
| <p><b>12.5.</b> Хуқуқбузарнинг жинси : «1» – эр; «2» – аёл.</p>  | <b>12.5.</b> / <u>1</u> / |
| <p><b>12.6.</b> Фуқаролиги: «1» – Ўзбекистон фуқароси; «2» – хорижий фуқаро; «3» – фуқаролиги бўлмаган шахс.</p>   | <b>12.6.</b> / <u>1</u> / |
| <p><b>12.7.</b> Машғулотларининг тури: «1» – ўқиш; «2» – иш; «3» – машғулотларининг тури ноаниқ.<br/> Ўқиш, иш жойи, лавозими: _____ <u>Тошкент шаҳар Миробод тумани 546-сонли болалар боғчаси қоровули</u></p>  | <b>12.7.</b> / <u>2</u> / |
| <p><b>12.8.</b> Мастлик ҳолатидалиги: «1» – алкоғолли; «2» – гиёҳвандлик; «3» – бошқача мастлик.</p>   | <b>12.8.</b> / <u>/</u> / |
| <p><b>13.</b> Қарор: «1» – шикоят билдирилган; «2» – протест билдирилган.</p>  | <b>13.</b> / <u>/</u> /   |
| <p><b>13.1.</b> Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш натижаси: «1» – қарор ўзгаришсиз қолдирилган; «2» – иш янгидан кўриб чиқиш учун жўнатилган; «3» – ишни кўриб чиқиш тугатилган; «4» – жазо чораси ўзгартирилган.</p>   | <b>13.1.</b> / <u>/</u> / |
| <p><b>14.</b> _____ <u>2015</u> йил «<u>16</u>» _____ <u>февраль</u> _____<br/> (иш кўриб чиқилган сана ва кўриб чиққан шахснинг имзоси)</p>   |                           |

## 5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни амалга оширишда зарурий иловалар.

### 5.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

| №  | Ишни юритишда қатнашувчи шахс                               | Ҳуқуқлари   | Мажбуриятлари   |
|----|---|---|---|
| 1. | <b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган шахс</b> | <ul style="list-style-type: none"> <li>– иш материаллари билан танишиб чиқиш;</li> <li>– изоҳлар бериш;</li> <li>– далиллар келтириш;</li> <li>– ўз илтимосни баён этиш;</li> <li>– ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш;</li> <li>– таржимон хизматидан фойдаланиш;</li> <li>– иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш</li> </ul>  | <ul style="list-style-type: none"> <li>– содир этган ҳуқуқбузарлиги учун МЖТКда маъмурий қамоққа олиш, ашёларни мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, ишларни кўриб чиқиш вақтида қатнашиш;</li> <li>– маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товланган тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.</li> </ul> |
| 2. | <b>Жабрланувчи</b>  | <ul style="list-style-type: none"> <li>– ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқиш;</li> <li>– кўрсатувлар бериш;</li> <li>– далиллар келтириш;</li> <li>– илтимослар қилиш;</li> <li>– ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш;</li> <li>– ўз она тилида сўзлаш;</li> <li>– таржимон хизматидан фойдаланиш;</li> <li>– иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш;</li> </ul> |   |
| 3. | <b>Қонуний вакиллар</b>                                     | <ul style="list-style-type: none"> <li>– иш материаллари билан танишиш;</li> <li>– манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилиш;</li> <li>– иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.</li> </ul>  |   |
| 4. | <b>Адвокат</b>  | <ul style="list-style-type: none"> <li>– ишга оид материаллар билан танишиб чиқиш;</li> <li>– уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилиш;</li> <li>– уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан</li> </ul>   |   |

|    |                |  |  |
|----|----------------|--|--|
|    |                | илтимослар қилиш;<br>– иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.  |  |
| 5. | <b>Гувоҳ</b>   | – ўз она тилида сўзлаш;<br>– таржимон хизматидан фойдаланиш;   | – ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан кўрсатилган вақтда келиш<br>– ҳаққоний кўрсатувлар бериш, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериш ва қўйилган саволларга жавоб бериш.   |
| 6. | <b>Эксперт</b> | – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш;<br>– улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;<br>– экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;<br>– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) рухсати билан ишни кўриб чиқишда ҳозир бўлиш;<br>– жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга экспертиза предметига оид саволлар бериш;<br>– ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;<br>– ўз хулосасида нафақат ўзининг олдида қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;<br>– унинг хулосаси ёки кўрсатувлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;<br>– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмас ёки етарлича билмас, ўз она | – ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиш, ўз олдида қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериш;<br>– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиш;<br>– ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериш;<br>– экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслик;<br>– тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаш;<br>– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганда тартибга риоя қилиш. |

|    |                 |  |   |
|----|-----------------|--|---|
|    |                 | <p>тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;<br/>         – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш.</p> |   |
| 7. | <b>Таржимон</b> |  | <p>– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғига биноан келиш;<br/>         – ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажариш.</p> |

**5.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда белгиланган муддатлар**

| <b>№</b> | <b>Амалга ошириладиган ҳаракат</b>   | <b>Белгиланган муддат</b>   |
|----------|--|---|
| 1.       | Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб маъмурий жазонинг қўлланиши   | <b>бир йилдан кечиктирмай</b><br>қўлланилиши мумкин.  |
| 2.       | Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юбориш (ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб)  | <b>бир суткадан кечиктирмай</b>   |
| 3.       | Маъмурий йўл билан ушлаб туриш   | <b>уч соатгача</b>  |
|          | Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахсларни баённома тузиш учун ушлаб туриш   | <b>уч соатгача</b>  |
|          | Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун ушлаб туриш  | - <b>уч суткагача</b> (ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб);<br>- <b>ўн суткагача</b> (ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан) |
|          | МЖтКнинг 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг учинчи қисмида, 170, 183, 184, 184 <sup>2</sup> , 184 <sup>3</sup> , 191, 194, 195, 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахсларни ушлаб туриш | ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар<br><b>(24 соатдан қўп бўлмаган муддатга)</b>                                    |
| 4.       | Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материалларни кўриб чиқиш (материаллар олинган кундан бошлаб)  | <b>ўн беш кунлик муддат</b><br>ичида  |
| 5.       | МЖтКнинг 51 <sup>2</sup> -51 <sup>9</sup> , 170, 180, 181, 183, 184, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқ-бузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш   | <b>бир сутка мобайнида</b>  |
|          | МЖтКнинг 164-моддаси иккинчи қисмида, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишларни кўриб чиқиш   | <b>уч сутка ичида</b>   |
|          | МЖтКнинг 61-моддасида назарда тутилган ишларни кўриб чиқиш   | <b>беш сутка ичида</b>  |

|     |  |  |
|-----|--|--|
| 6.  | Хуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли хуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга келиб тушган тақдирда                               | судга иш келиб тушган кундан эътиборан<br><b>уч сутка ичида</b><br>МЖТКнинг 303, 304, 306-309-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади |
| 7.  | Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг нусхаси бериш  | <b>уч кун ичида</b>  |
| 8.  | Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон хужжатни қоғоздаги хужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор | чиқарилган кундан эътиборан <b>уч кун ичида</b> буюртма почта жўнатмаси тарзида хуқуқбузарга юборилади   |
| 9.  | Маъмурий хуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиш   | <b>бир ой ичида</b><br>(тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб)   |
| 10. | Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги шикоятни кўриб чиқиш хуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юбориш  | <b>уч сутка ичида</b><br>(шикоятни олгач)  |
| 11. | Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш  | <b>ўн кун ичида</b> (қарор нусхасини олган кундан бошлаб)  |
| 12. | Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан кўриб чиқиш  | <b>ўн кун муддат ичида</b><br>(шикоят ва протест тушган кундан бошлаб)   |
| 13. | Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестга доир ҳал қилув қарорининг нусхасини ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга юбориш  | <b>уч кун муддат ичида</b>   |
| 14. | Маъмурий қамоққа олиш ёки жарима солиш (жойнинг ўзида ундириб олинган жарима солиш бундан мустасно) тарзида маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда унинг ижросини кечиктириш                  | <b>бир ой муддатга</b>   |
| 15. | Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросининг муҳлати (қарор чиқарилган кундан бошлаб)   | <b>уч ой давомида</b>  |
| 16. | Жариманинг хуқуқбузар томонидан тўланиши (Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги бундан мустасно)  | <b>ўн беш кундан кечиктирмай</b> (хуқуқбузарга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб)   |
|     | Маъмурий жаримани ушбу қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда тўланиши (Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш   | шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар   |

|     |   |   |
|-----|---|---|
|     | техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги бундан мустасно)   | берилган кундан бошлаб<br><b>ўн беш кундан кечиктирмай</b>  |
| 17. | Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб | <b>олтмиш кундан кечиктирмай</b><br>тўлаши лозим.   |
|     | Бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан  | <b>ўттиз кундан кечиктирмай</b><br>тўлаши лозим.  |
| 18. | Мулкӣ зарарнинг ҳуқуқбузар томонидан тўланиши   | ҳуқуқбузарга қарор топширилган кундан бошлаб <b>ўн беш кундан кечиктирмай</b>                             |
|     | Мулкӣ зарарни ҳуқуқбузар томонидан тўланиши тўғрисидаги қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда зарарнинг қопланиши   | шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги маълум қилинган кундан бошлаб <b>ўн беш кундан кечиктирмай</b> |



**5.3. Экспертиза муассасалари ва ўтказиладиган экспертиза турларига  
оид маълумотлар**

| <b>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова<br/>номида Республика суд экспертиза маркази</b> |  |
|--|--|
| 1.   | Криминалистик, хатшунослик экспертизаси:<br><i>ҳужжатлар техник<br/>ишшунослик (трасологик)<br/>баллистик</i>  |
| 2.   | Материаллар, ашёлар, буюмлар, толали материаллар экспертизаси:<br><i>лок-бўёқ материаллар ва қопламалар<br/>ёнилғи-мойлаш материаллари<br/>наркотик моддалар<br/>спиртли ичимликлар<br/>тувроқишунослик<br/>металл ва қотишмалар</i> |
| 3.   | Биологик, ДНК экспертизаси   |
| 4.   | Техник-муҳандислик, автотехник экспертизаси:<br><i>транспорт-ишшунослик<br/>ёнгин-техникавий<br/>қурилиш-техникавий</i>  |
| 5.   | Иқтисодий экспертиза   |
| 6.   | Фонографик экспертиза  |
| 7.   | Товаршунослик экспертизаси   |
| <b>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий<br/>экспертиза бош бюроси</b>                        |  |
| 1.   | Қайта экспертиза   |
| 2.   | Комиссион экспертиза   |
| 3.   | Комплекс экспертиза  |
| 4.   | Суд-кимё экспертизаси  |
| 5.   | Суд-биологик экспертизаси  |
| 6.   | Тиббий-криминалистик экспертиза  |
| 7.   | Суд-гистологик экспертизаси  |
| <b>Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий суд-тиббий ва<br/>паталогоик анатомия лабораторияси</b>        |  |
| 1.   | Тирик шахс экспертизаси  |
| 2.   | Ашёвий далиллар ва биологик объектлар экспертизаси:<br><i>суд-биологик<br/>суд-гистологик<br/>суд-кимё<br/>кимё-токсикологик<br/>суд-цистологик<br/>тиббий-криминалистик</i>   |
| 3.   | Қўшимча, қайта, комиссиявий, комплекс экспертизалари   |
| 4.   | Суд криминалистика экспертизаси:<br><i>суд-баллистик<br/>суд-трасологик<br/>ҳужжатларнинг техника-криминалистик</i>  |

|  |   |
|--|---|
| 5.   | <i>суд-ҳуснихат<br/>совуқ қуроллар</i>  |
| <b>Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона маркази божхона лабораторияси</b>                      |   |
| 1.   | Товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тавсифланиши юзасидан экспертиза  |
| 2.   | Товаршунослик экспертизаси  |
| 3.   | Материалшунослик экспертизаси   |
| 4.   | Кимёвий ва бошқа экспертиза   |
| <b>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт криминалистика маркази</b>               |   |
| 1.   | Дактилоскопик экспертиза  |
| 2.   | Трасологик экспертиза   |
| 3.   | Совуқ қуроллар тадқиқоти  |
| 4.   | Баллистик экспертиза  |
| 5.   | Ҳужжатларнинг техник экспертизаси   |
| 6.   | Хатшунослик экспертизаси  |
| 7.   | Портрет экспертиза  |
| 8.   | Физикавий-кимёвий экспертизалар: <i>ғиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, махсус кимёвий кукун (СХВ), прекурсорлар, рангли металлар, заргарлик буюмлари</i> |
| 9.   | Автотехник экспертиза   |
| 10.  | Курилиш-техник экспертизаси   |
| 11.  | Бухгалтерлик экспертизаси   |
| <b>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ТИИБ Эксперт криминалистика бўлими</b>           |   |
| 1.   | Дактилоскопик экспертиза  |
| 2.   | Трасологик экспертиза   |
| 3.   | Совуқ қуроллар тадқиқоти  |
| 4.   | Баллистик экспертиза  |
| 5.   | Ҳужжатларнинг техник экспертизаси   |
| 6.   | Хатшунослик экспертизаси  |
| 7.   | Портрет экспертиза  |
| 8.   | Физикавий-кимёвий экспертизалар: <i>ғиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, махсус кимёвий кукун (СХВ), прекурсорлар</i>                                      |
| 9.   | Автотехник экспертиза   |
| <b>Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Экспертиза-криминалистика лабораторияси</b> |   |
| 1.   | Хатшунослик экспертиза  |
| 2.   | Муаллифшунослик экспертиза  |
| 3.   | Ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси   |
| 4.   | Дактилоскопик экспертиза  |
| 5.   | Фотопортрет экспертиза  |
| 6.   | Баллистик экспертиза  |
| 7.   | Фонографик экспертиза   |
| 8.   | Компьютер воситалари ва тизимларининг техник экспертизаси   |
| 9.   | Материаллар, моддалар ва улардан ишланган нарсалар экспертизаси   |

**Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни / протоколни кўриб  
чиқишга (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколни тузишга, иш  
кўзғатишга) ваколатли органлар**

**КЛАССИФИКАТОРИ**

(ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралда қабул қилган “Маъмурий жазога  
тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш  
тўғрисида”ги 39-сонли қарори талаблари асосида)

| <b>Код</b> | <b>Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга (иш<br/>бўйича кўриб чиқишни кўзғашга) ваколатли органлар</b>   |
|------------|---|
| 010        | Маъмурий ишлар бўйича судьялар  |
| 020        | Хўжалик судлари   |
| 030        | Адлия органлари   |
| 040        | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини<br>ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш<br>департаменти органлари |
| 060        | Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар  |
| 070        | Ички ишлар органлари (милиция)  |
| 071        | Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси   |
| 072        | Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси   |
| 073        | Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси   |
| 074        | Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси  |
| 075        | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-<br>кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси   |
| 076        | «Қўриқлаш» республика бирлашмаси  |
| 080        | Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари  |
| 090        | Ҳаво транспорти органлари   |
| 100        | Сув транспорти органлари  |
| 110        | Кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекцияси органлари  |
| 120        | Шаҳар ҳамда шаҳарлараро автомобиль транспорти ва электротранспортда<br>йўловчилар ташиш органлари   |
| 130        | Меҳнат бўйича давлат ҳуқуқ ва техника инспекторлари   |
| 140        | Мудофаа вазирлиги органлари   |
| 150        | Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария назорати органлари   |
| 160        | Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг санитария назоратини<br>амалга оширувчи тиббий хизматлари   |
| 170        | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг санитария назорати-<br>ни амалга оширувчи тиббий хизматлари  |
| 180        | Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг санитария<br>назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари   |

|     |  |
|-----|--|
| 190 | Давлат ветеринария назорати органлари  |
| 200 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер ости бойликларини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари |
| 210 | Табиатни муҳофаза қилиш органлари  |
| 220 | Божхона органлари  |
| 230 | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг давлат инспекцияси органлари   |
| 240 | Давлат солиқ органлари   |
| 250 | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг маҳаллий бўлинмалари                 |
| 260 | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари  |
| 270 | Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари   |
| 280 | Қишлоқ хўжалигида машина ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси («Бошдавтехназорат» инспекцияси) органлари   |
| 290 | Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари  |
| 300 | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсув-назорат» республика сув инспекцияси органлари  |
| 310 | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаштириш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари  |
| 320 | Давлат статистика органлари  |
| 330 | Давлат пробир назорати органлари   |
| 340 | Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси органлари  |
| 350 | Архитектура ва қурилиш органлари   |
| 360 | Прокурор   |

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2015.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги 1995 йил 30 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. – №9. – 183-м.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №9–10. – 168-м.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлари ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №9–10. – 169-м.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари тўғрисида”ги 2014 йил 4 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №49. – 578-м.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралда қабул қилган “Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 39-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №7–8. – 61-м.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2000 йил 15 сентябр Пленуми қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди. – Т., 2000. – Б.22–32.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида»ги 2001 йил 2 ноябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди. – Т., 2001. – Б.11–16.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2011 йил 31 майда қабул қилинган “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 68-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2001. – №27. – 286-м.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 28 декабрда қабул қилган “Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 328-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шарҳлар. – Т., 2000. – 242-268<sup>2</sup>-м.

*Шотурсунов М.Х.* Ички ишлар (милиция) органлари кўриб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларига оид ҳужжатлардан намуналар. – Т., 1997. – Б. 87.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА  
ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

*Муҳаррир Б. А. Яров*  
*Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов*

---

Босишга рухсат этилди 30.11.2015 й. Нашр-ҳисоб табағи 6,0.  
Адади 50 нусха. Буюртма №

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
1000197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68